


Оташ Холмирзаев



Адибнинг  
уч куни

**ОТАШ ХОЛМИРЗАЕВ**

# **АДИБНИНГ УЧ КУНИ**

**Эсдаликлар, илмий ва методик мақолалар**

**”Наманган“ нашриёти  
2010**

УҮК : 812.512-9  
КБК:84(5 ўзб)9  
О-97

**Масъул мұхаррир: Бахтиёр Исҳоқов тарих фаннари номзоди, НамДУ доценти.**

**Тақризчилар: Мўминжон Сулаймонов, филиология фанлари номзоди, НамДУ доценти.**

**Алишер Исоқбоев - тарих фанлари номзоди, НамДУ доценти.**

\*\*\*

Болалар шоири ва фолклорист, Ўзбекистон ёзувчилар юшмаси аъзоси, ҳалқ таълими аълочиси, болаларнинг «Олтин тож» газетаси бош мұхаррiriи Оташ Холмирзаев ушбу рисоласини кейинги йилларда ёзилган бир неча эсдаликлари, ҳалқ оғзаки ижоди бўйича олиб борган кузатишлари ва мактаб ўқитувчisi сифатида ёзган «Адабиёт дарсларида ҳалқ оғзаки ижоди» методик рисоласини кирифтган.

Албатта, ижодкор ўз асарларида сиз <sup>ни</sup> ва менга керакли бўлган мавзуларга қўл уради, изланади ва илмий хуносалар чиқаради. Шоир ва олимлар Робиддин Исҳоқов, Маҳмуджон Маъмурвлар ҳақидаги эсдаликларида эса у бу икки адаб ҳаётига экскурсия қиласи, уларнинг шоир, олим, инсон сифатидаги қирралари очиб беради.

Машҳур адаб Шукур Холмирзаев ҳақидаги эсдалигига эса ёзувчининг Пешкўргонга келиши ва уч кунлик ҳаёти мароқ билан тараннум этилади. Ёзувчининг инсон ва ижодкор сифатидаги қирралари очиб берилади.

Умуман олганда, рисола мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари, колледж ва олийгоҳ талабалари, изланувчи ёшларга мўлжалланганилиги билан қадрлидир. Албатта, ~~риеоладан озгина~~ ~~озиқ олсангиз~~ ижодкор-муаллифнинг боши кўкка етган бўлур зди.

НГ ————— 600-1301,36-1235220  
————— 2010  
601-2, 0(017)-03

© «Наманган» нашириёти  
Оташ Холмирзаев.  
2010



## НАМАНГАН ХАЛҚ ДОСТОНЧИЛАРИ

Инсон пайдо бўлибтики, ҳамиша тарбияга муҳтож бўлган. Тарбиянинг асосий воситаси эса дунёвий ва диний билим бўлиб, халқ оғзаки ижоди эса ўз даврининг ва бугуннинг ҳам тарбия қуролидир. Зеро, ёзма адабиёт пайдо бўлгунга қадар халқнинг асосий овунчоги, тарбия қуроли халқ оғзаки ижоди бўлиб, унинг достон, эртак, ривоят, мақол ва матал, қўшиқлар,

топишмоқ, тез айтиш, қасида, халқ ўйинлари, асқия, қўғирчоқ театри, масҳарабозлик каби турлари бўлган. У доимо отадан болага, боладан боласига ўтиб келган ва ҳамиша ривожланиб борган. Бугун эса ана шу катта бойлик халқимизнинг маънавий хазинасига айланган.

Муҳтарам Президентимиз ўзининг “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” асарида бу ҳақда шундай деган эди: “Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, халқимиз тарихнинг мاشаққатли синовлари оша ўзининг бой меросини завол етказмай сақлаб келди ва сақлаб келмоқда. Улар аждодларимиз яратган умумбашарий туйгулар, шарқ фалсафаси, миллий қадриятларимиз, буюк халқнинг оғзаки ижоди эди. Мана шу катта қадриятларимиз орқали халқимиз тарбияланган ва инсон сифатида шаклланган. Шу билан бирга асрлар оша тилимиз ва динимизни, халқ яратган бадиий бойлигимизни асрлар оша олиб ўтган ва шу халқ оғзаки ижоди орқали халқимиз баркамоллигини сақлаб келмоқда”. (И. А. Каримов “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”, “Ўзбекистон” нашриёти, 1995 йил).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикр юритадиган бўлсак, ҳақиқатдан ҳам халқимиз миллион йиллар бу бойлигини, ва унинг ҳикматларини, Ватан ва халқпарварлик, дўстлик, биродарлик, меҳр-оқибат, имон каби умуминсоний қадриятларни эзозлаблаб келмоқдалар.

Шу боис ҳам «Гүрүғли» туркум достонлари, «Алпомиш», «Ёзи билан Зебо», «Тоҳир ва Зухро», «Лайли ва Мажнун» каби достонлар, эртак, мақол, топишмоқ, халқ қўшиқлари каби ўнлаб дурданалар ўзининг бекиёс томонлари билан бошқа халқлар фольклоридан ажralиб турди. Биргина “Гүрүғли” достонларининг 40 китобдан ташкил топганлиги ҳам халқимиз ҳаётида жуда муҳим воқеадир.

Ўз навбатида бу асарлар айтувчиларини халқимиз баҳши, ирчи, достончи, санновчи, шоир, халфа, қўшиқчи, эртакчи, воиз каби номлар билан атаганлар. Илмий кузатишларимизга мурожаат қиласиган бўлсак, ижодкорлар ҳамиша халқ орасида бўлган, кўплари устозлари кўмагида қишлоқма-қишлоқ, овулмавул юрганлар ва ҳар бир айтаётган асарларини мукаммаллаштириб борганлар. Айниқса, улар тўйларда, халқнинг кўз олдида, ўша халқнинг мардлиги-ю, тантлиги, урф-одатлари, юриш-туришлари-ю гап-сўзларини ўрганиб ана шу янгиликлар асосида ўз ижодларига ўзгартиришлар ҳам киритганлар.

Албатта, йиллар давомида бўлган қонли урушлар, тарихий ўзгаришлар, босқинчлиқ, зулм, Ватанга бўлган чексиз муҳаббат ҳам бу асарларда ўз аксни топган. Натижада, халқ онги, дунёқарашида туб ўзгаришлар юз берган. Бу ижод намуналарини ўрганиш, ёзib олиш ва китобат қилиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилган. Айниқса, Қашқадарё, Сурхон, Самарқанд, Хоразм вилояти худудидаги барча ижодий намуналар мукаммал ўрганилди. Аммо Фарғона водийси ижодкорлари ижодини ўрганиш бирмунча вақт тўхтаб турди. Шунга қарамай, буюк алломалар Н. Пантусов, Н. Ф. Катанов, С. Е. Малов, инглиз олими Г. Ярринг, тарихчи олимимиз И. Мўминов, Б. Аҳмедов, фольклористлар Х. Зариф, М. Афзалов, М. Муродов, М. Сайдов, Т. Мирзаев, М. Алавия, Ҳ. Рассоқов, Т. Фозибоев, Б. Саримсоқов, К. Имомов, Т. Зуфаров, И. Назаров, О. Носиров, М. Маъмуроғлов, Р. Исҳоқов, Д. Қозоқов, О. Холмирзаев, А. Собиров, М. Сулаймонов каби ижодкорлар халқ оғзаки ижодини ўрганиш ва тадқиқ этиш, ёзib олиш ва архивлаштириш ишларига катта ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистон худудида бу ижод намуналарини ёзib олиш ишлари асосан 1900 йиллардан бошланган. Албатта, Фарғона водийси ҳам бошқа воҳалар сингари барча соҳаларда намуна эди. Ҳатто халқ оғзаки ижодининг барча турлари бўйича ижод

қилувчилар бор эди. Шу нүктаи назардан қарайдиган бўлсак, Фаргона водийси деб аталмиш-Андижон, Наманган ва Фаргона, Ўш, Жалолобод, Хўканд худуди илму фан, маданият, аҳлоқ ва одоб, яшаш тарзи, қўйингчи, ҳалқ оғзаки ижодида ҳам республикамиизда юқори погоналарни эгаллаган эди. Бу худуд аҳолиси асосан, деҳқончлик, чорвачилик, ҳунарманд-косибчилик, боғдорчилик билан шугулланиш билан бирга ҳалқ оғзаки ижодининг достон, эртак ва бошқа жанрларини ҳам ривожлантирганлар ~~альбатта~~. Водий ҳалқ оғзаки ижодини ўрганиш борасида М. Муродов, Т. Фозибоев, ~~Х.~~ Рассоқов, А. Собиров, О. Холмирзаев, Р. Исҳоқовлар катта ишлар қилишган. Ҳатто, Фаргона водийсида биз билган ва билмаган ўнга яқин достончилик мактаблари борлигини ҳам фанга маълум қилганлар.

Ўзбекистон фан арбоби, профессор Малик Муродов айrim олимларнинг “Фаргона водийсида достончилик ривожланмаган”, деган даъволарини чиппакка чиқарди. Унинг жуда гўзал намуналарини топди, ўрганди. Тўғри, водий ҳалқ достончилигини авваллари ~~жад~~ Г. О. Юнусов, Б. Каримов, М. Афзалов, С. Иброҳимов, Ф. Абдуллаевлар ҳам ўргангандар ва фанга анчагина материаллар тақдим этишган. Зеро, улар ўз даврида машҳур бўлган Бўри Содик ўғли, Усмон Маматқул ўғли, Ҳусан Ражаб ўғли, Ҳайдар Бойча ўғли, Матрайим бахши, Рассоқ бахшиларни аниқлаганлар ва улардан ўзбек достонларидан намуналар ёзиб олганлар. Ҳатто, водийда Кўлбуқон достончилик мактаби борлигини ҳам айтиб ўтганлар, аммо унинг шажарасини, достончилар яшаган худуд ҳақида маълумотлар бермаганлар.

Кейинчалик ~~Эса~~ асосан, 1960 йиллардан кейин, Фаргона водийсига жуда катта илмий экспедициялар ўюстирилди ва манбааларни қидириш билан бирга янги-янги достончиларни аниқлаш ишларини бошлаб юбордилар. Бу ишда айниқса, М. Муродовнинг хизматлари жуда каттадир. У биргина Наманган вилояти ҳудудида жойлашган Кўлбуқон, Пешқўргон, Поп, Учқўргон каби қишлоқларда достончилик мактаблари борлигини, бу мактаблар тенги йўқ достончи, ирчи ва санновчилар билан машҳур эканлигини аниқлади. У ўз шогирдлари билан юқорида тилга олиган қишлоқларгагина эмас, Фаргона водийсидаги бошқа қишлоқ ва шаҳарларга экспедициялар ташкил этди ва факат достончилик эмас, ҳалқ

оғзаки ижодининг бошқа жанрлари материалларини ҳам ёзиб олиб, архивлаштиришга муваффақ бўлди.

Албатта, Фаргона ҳалқ достончилигининг мұхим бир қисми хисобланган Наманган ҳалқ оғзаки ижоди бўйича олим Малик Муродовнинг “Фаргона ҳалқ достончилигига бир назар” (Наманган ҳақиқати газетаси, 1964 йил) “Наманган ҳалқ эртаклари”, Тошкент, “Ёш гвардия” нашриёти, 1974 йил, Абдушукур Собировнинг “Наманган ҳалқ оғзаки ижоди”, (Наманган, 1994 йил), Малик Муродов, Оташ Холмирзаевнинг, “Народное сказители Ферганской долины”, Санкт-Петербург, (журнал Востоковедение, 1967 йил), Оташ Холмирзаев, “Адабиёт дарсларида ҳалқ оғзаки ижоди” (Кўлбуқон достончилик мактабининг шажараси билан), (Наманган, 1991 йил), “Раззоқ бахшининг “Алпомиш”, достони ҳақида”, шунингдек, Малик Муродов, Тамара Боровкова, Ёкубжон Жўраев, Охунжон Собиров, Тожибой Гозибоев, Оташ Холмирзаевларнинг ўнлаб мақолалари чоп этилди. Бу мақолаларда фанга маълум бўлган ~~ижаҳат~~ юзга яқин достончилар, лапарчи ва марсиячилар, ҳалқ мақолларини яхши билган отахон ва онахонлару, болалар фольклорининг ноёб намуналарининг айтувчилари аниқланди ва фанга маълум қилинди.

Биргина Кўлбуқон достончилик мактабига мансуб ўттиздан ортиқ достончилар ҳақидаги маълумотлар ва улар ҳақидаги мақолалар, илмий кузатишлар, мактаб, коллеж ва олийгоҳ ўқитувчиларининг ҳалқ оғзаки ижоди материалларини йигиш ва Ҳ. Сулаймон номли қўлёзмалар институти, Алишер Навоий номли Адабиёт музеи, Алишер Навоий номли тил ва адабиёт институти архивларига топширилиши жуда катта муваффақиятлардан эди. Олим ва алломалар, фольклор тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, Кўлбуқон достончилик мактаби ўша Қашқадарё ва Сурхон достончилик мактабларидан қолишимаган. Улар айтган “Гўрўғли”, “Алпомиш” каби достонлар Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан каби достончилар репертуари ва ижоди даражасида бўлган. Бу достончилик мактабида биргина Ҳайдар Бойча ўғли, Алим шоир Ниёз ўғли, Раззоқ бахши Қозоқбой ўғли, Абдуазиз бахши Абдураззоқ ўғли, Абдусаид Кўчим ўғли, Омон ва Мамасодик Раззоқ ўғли каби достончилар, айтган асарлар ҳам фанга маълум қилинган.

Кўлбуқон достончилик мактаби шажарасини тузиш жараёнида шулар маълум бўлдики, Кўлбуқон достончилари ўнлаб устозлари билан бирга Самарқанд вилоятидан ташриф буюрган савдогар Бегижон бахшидан ҳам катта сабоқ олганлар. Бу бахши ўз даврининг машхур достончиси бўлиб, Самарқанднинг Миёнкўл қишлоғида туғилган. У барча бошқа достончилар қатори ўзбек ҳалқ оғзаки ижодига оид достонларни мароқ билан куйлаган ва маромига етказган. Ҳалқ орасида бу достончининг “Булбул”лақаби ҳам бўлган. Пешкўргонлик Жумабой бахши ундан илк достонларни ўрганган. Албатта, Жумабой бахшининг етти отаси достончи ўтган бўлишига қарамай, Бегижон бахшидан ҳам жуда кўп достонларни айтиш сирларини ўрганган.

Бу борада машхур достончи Ҳайдар Бойча ўглининг гувоҳлик беришича. (У билан сухбат матни Оташ Холмирзаевнинг шахсий архивида сақланмоқда) унинг устозлари Йўлдош санновчи ва Шоназар бахшилар бўлган. Бу достончилар ҳам ўз даврининг етук достончилари бўлишган ва ҳар бир бахши ўзига икки, учтадан шогирд олиб, тўйлару маросимларга етаклаб юришган ва эл орасида достон айтиш ва беллашувларида синаб кўрганлар. Кейинчалик бу достончилик мактабини машхур достончи Чўтибой бахши бошқарди. Унинг биргина “Алномиш” достонини тўрт кеча ва тўрт кундуз айтганлиги ҳақида ҳалқ орасида ҳозирга қадар турли гап-сўзлар юради. У сетор чертганда одамлар ўйинга тушган, тингловчилар қимиirlаб ўтиришган, ҳатто от чопиб бораётган қаҳрамон ҳолатини тасвиrlанганда машхур полвон ва улоқчилар қамчиларини ўйнатиб, ўрниларидан сакраб туриб кетганлар.

Жуда кўп тўю томошаларда ҳалқ достончилари томонидан мароқ билан куйланган “Ёзи билан Зебо”, “Кал Ёзи”, “Зебижон” каби туркум достонлар жуда машхур бўлган. Наманган “Ёзи билан Зебо” достонини тадқиқ этган ва шу номда китоб чоп эттирган олим Охунжон Собиров бекободлик (Янгиқўргон тумани) Ҳожиакбар Кўчимовдан ёзиб олинган бу достон (ёзиб олувчилар О. Собиров ва О. Холмирзаев) ўзининг ҳалқчиллиги, тилининг равонлиги, воқеа ва ҳодисаларнинг мукаммаллиги, қўшиқбоплиги билан бошқалардан ажralиб турган.

“Гўрўғли” туркм достонларидан “Гўрўғли”, “Гўрўғлининг болалиги”, “Авазхон”, “Ҳасанхон”, Тўлаб ботир“, «Ёзи билан Зебо”, “Юлдуз билан Қундуз” достонларини ҳам билган ва эл орасида куйлаган. У жуда кўп ривоятлар мавжуд. Бу ривоятлардан Исмон бахши, асосан чорвачилик билан шугулланганлиги, мол, кўй, асалари парваришлаганлиги ҳақида маълумотга эга бўламиз. У давраларда қатнашганда доимо “Алпомиш” достонини куйлаган. У достон айтганда довдараҳтлар шохида чугурлашаётган қушлар ҳам тинган. Унинг яна бир одати шу эдики, достон айтиб, сетор ёки чертмак чертганда қўлининг айланиши-ю, чертмакни ҳавога отиб чеरтишидан тингловчилар завқланганлар.

Наманган халқ достончиларидан яна бири Чўтибой бахши Кўшали ўғлидир. У вилоят достончилари орасида энг сараси хисобланган, ўзбек халқ достончиларининг барини билган, кўйлаган, ҳамда эл орасида “кatta достончи” деган ном олганлардандир. У таҳминан 1858 йилда Фовазон қишлоғида туғилган. Унинг жуда кўп авлодлари Кўлбуқон достончилик мактабининг вакиллари бўлиб, улар ҳам халқ достонларини кўйлаганлар. У ҳатто қирғиз достони “Манас”ни ҳам тўла билган, билганда ҳам соғ қирғиз тилида кўйлай олган. Айниқса, достоннинг “Семетей ва Сейтек” бобини катта бир достон сифатида, шу билан бирга ўзбек-қирғиз дўстлигининг тимсоли сифатида кўйлаган. Достоннинг асосий воқеалари Фаргона водийси билан боғлиқлиги ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Бу бахши Кўлбуқон достончилик мактабининг шаклланиши ва достончиларнинг бир оиласига жамланишувига ҳам катта ҳисса қўшган инсондир. Шу билан бирга, унинг ҳар бир достони энг ками икки юз қоғозни ташкил этган. Ҳар қалай, “Кундуз билан Юлдуз” достонини тўрт кун айтганлиги ҳақида ривоятлар мавжуд.

У Кўлбуқон достончилик мактабида Ҳасан, Қорабой, Дехқон, Усмон, Худойберди, Иброҳим, Юсуф, Анорқул, Абдуғани, Тошпўлат бахшиларни тарбиялаган. Пешкўргонлик Жумабой бахши ҳам ўз даврининг етук достончиси бўлиш билан бирга йигирмадан ортиқ достончига устозлик қилган. Бу достончилик мактабини аниқлаш ва ўрганиш борасида иш олиб борганимизда достончиларнинг бари “Гўрўғли” достонининг 40 достонини 41та қилиб айтганларига гувоҳ бўлдик. Улар куйлаган 41-достон “Гўрўғлининг ўлими ва

парилари йигиси" деб аталади. Жумабой бахшининг давомчилари Рассоқ бахши, Абдуазиз, Сувон, Кўчкор, Абдувоҳид, Мамаюсуп, Мусурмонқул, Омон ва Мамасодик бахши кабилар бўлган. Улар ҳам қирқ биринчи достонни ҳам кўйлаганлар.

Наманган достончилигида муҳим роль ўйнаган достончилик мактабларидан бири Кўрнас (Поп тумани) достончилик мактабидир. Бу ерда ўзбек халқ достонларининг барчасини кўйлаганлардан бири Матрайим бахшидир. Бахши билан бўлган сұхбатларимиз ва унинг 70 йиллик юбилеи ўтаётган кунларда қилган мулоқотимиз туфайли Матрайим бахши Кўрнас ва унинг атрофларидаги қишлоқларда достон айтувчи чорвадор кишилар бўлғанлиги ҳақида маълумотларга эга бўлдик. Уларнинг кўплари Матрайим бахшидан достончилик сирларини ўрганганлар. Достончиларнинг гувоҳлик беришича, Поп туманининг яйловлари ва чекка қишлоқларида кўпгина санновчи, достончилар бўлган. Уларнинг устозлари Урайим бахши бўлган. Шунингдек, Яхши, Мурод, Иброҳим, Болавой деган бахшилар ўтганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Тўгри, бу бахшилар мукаммал ўрганилмаган, улардан асарлар ҳам ёзиб олинмаган. Шунга қарамай, Поп достончилари ҳам умумъзбек халқ оғзаки ижодига муносиб ҳисса кўшганлар, дейишга асос бор. Зеро, буларнинг энг кейинги давомчиси Матрайим бахши ижодини ўрганиш ва ёзиб олиш даврида Поп ҳудудида ҳам халқ оғзаки ижоди материаллари жуда мароқ билан кўйланганлигига амин бўлдик.

Албатта, ҳар бир ижодкор ва ижодий жараён, асарлар юзасидан сўз юритганда унинг адабиётимизда тутган ўрни ва асарларига қараб баҳо берилади. Бу борада Наманган халқ оғзаки ижоди ижодкорлари орасида Ҳайдар санновчи Бойчаев ва Рассоқ бахши Қозоқбой ўгининг роли жуда катта. Келинг, улар ҳақида батафсилроқ тўхталайлик.

Ҳайдар санновчи Бойча ўғли - Наманган ва Кўлбуқон достончилик мактабининг йирик вакиллариидан бири. У бутун умри бўйи ўз достонлари билан эл ҳурматига сазовор бўлди. Унинг овози, дўмбира чертиши ҳам сехрли эди. Унда отларнинг дупури-ю, қушларнинг сайраши, кўк ўпган тоғларнинг булути осмони, оналар қўшиклари-ю, элнинг мардларга билдирган ҳурмати, донг таратган Тўмарис, Гулнор ва Мисқол париларнинг Ватанга, элга ва суйган ерига бўлган муҳаббати оҳанглари қулоқлар остида жаранглайди. Беихтиёр суюкли шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг достончи Фозил Йўлдош ўғли ҳақидаги мисралари келади:

Далалар, саҳролар, чүллар баҳтиёр,  
Күшиқ айтib яшар, манзиллар, эллар.  
Тинмайин күй чалар суюкли диёр,  
Күшиқдан осмону тоғлар гумбурлар.

Хайдар Бойча ҳам жуда чечан, шу билан бирга ижодкор. У ҳам табиат күриниши-ю, одамларнинг меҳнатини кўриб, уларга шеър айтади. Яхши шароит яратилса достонларга ҳам қўйма сатрлар қўшиб, қаҳрамонини кўкларга кўтаради. У, айниқса, халқ қаҳрамони Алпомиш-Ҳакимбек ҳақида мароқ билан куйлади, унинг мардлиги, жасоратини қўйма сатрлар билан тараннум этади. Унинг “Алпомиш” достонининг асосий қаҳрамони ҳақиқий миллий қаҳрамонга айланган. У бир шеърида:

У баҳши дилида отаётир тонг,  
Эл-юртнинг ардоғин олган паҳлавон.  
У Алпдир, дилида мардлик урар бонг,  
Хайдар Бойчадирман йўқ дилда армон.

деб куйлаган эди. Ҳа, “Алпомиш” достони ўша давр давлатчилиги, халқнинг орзу ва армонлари, юрт ҳимояси, севги ва муҳаббат мавзусини тараннум этган. Бу достонни куйлаш жараёнида достончи сетори орқали тингловчиларга отларнинг дупури, қиличларнинг жарангি, мард ўғлонларнинг ҳайқириги, отларнинг кишинашигача етказа олган. Натижада, Хайдар Бойча ўғли машҳур олимлар Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Зубайда Ҳусаинова, Малик Муродов, Тамара Боровкова, Тоҷибӣ Ғозибоев, Робиддин Исҳоқов, Оташ Ҳолмираевлар назарига тушади, унинг барча достонлари-ю, эртаклари ва бошқа жанрдаги асарлари юқорида зикр этилган олимлар томонидан ёзиб олинган. Бир неча достон ва эртаклари эса китоб ҳолида ўкувчилар ҳукмига ҳавола этилган.

Хайдар Бойча ўғли 1884 йилда Янгиқўргон туманининг Ғовазон қишлоғида таваллуд топган. Отаси Бойчабой бутун умрини Қўқон ҳукмдори Худоёрхоннинг тогаси Бекберди додхонинг энг яқин гумаштаси бўлган. У Раҳмонберди бойнинг кўлида мол боқиб кун ўтказган. Биргина ота топган пул эса оиласи боқишига етмасди. Натижада жуда ёш бўлишига қарамай, Хайдар ҳам меҳнат қилишга, тирикчилик учун пул топишга мажбур бўлади. Кейинчалик у Тоҷибӣ купец, мулла Тоштон кўлида қорол бўлиб ишлайди. Эл билан бирга бўлиш, улар ҳаётинии ўрганиши унда катта ўзгаришлар бўлишига олиб

келади. У айниқса, халқ зертаклари ва құшиқларини ўрганади. Кейинчалик эса үзи ҳам терма құшиқлар яратишга интилади. Натижада, бахши Күлбұқон достончиларидан бирор нарса ўрганиш керак, деган холосага келади ва “Гүрүғли” туркум достонларини ўрганишга киришади. Айниқса, үша даврнинг машхур достончиси Чүтибой бахшидан күп нарсаларни ўрганади. Кейинчалик Ғовазон қишлоғига Самарқандлик Бекижон бахшининг келиши эса унинг ижодида жуда катта ўзгаришлар ясады. Бундан ташқари Күлбұқонга келган ўратепалик Тошмон, ғовазонлик Құчқор, Йўлдош бахшиларнинг айтувчилик санъти ҳам унга таъсир қиласы. Айниқса, Кўлбўқонлик Йўлдош бахшининг репертуари унга катта мактаб бўлади. Энди у “Алпомиш”, “Гўрўғли” достонлари матни устида ишлайди, үзи ҳам замонага мос сатрларни киритишга уринади. Жуда кўп жойларда бўлган учрашувлар ва достончиларнинг анъанавий айтишувлари унга куч, қудрат ва илҳом бағишлиайди.

Достончиларнинг гувоҳлик беришларича, Ҳайдар санновчи Бойчабой ўғли ўратепалик Тошмон бахши билан айтишувда юқори мартаба олади. Зеро, бундай катта мартаба ҳамма достончиларга ҳам насиб қилмас эди. Чунки, “Алпомиш” достонини маромига етказиб айтиш, ўкувчилар орасидан ўз муҳлисларини топиш жуда қийин эди. Бироқ, кўп нарсани билиш, оламни тушуниш, асар қаҳрамонлари образини яратиш, сўз ўйини, сўзларни ўз ўрнида ишлатиш, қофиялаш сирларини билиш учун эса озми-кўпми маълумотли бўлиш ҳам керак эди. Шубоис ҳам Ҳайдар Бойчабой ўғли аввал масжидлар қошида очилган эски мактабларда саводини чиқаради, кейинчалик дунёвий мактабда ҳам ўқиыйди. Сўнг қишлоқда ташкил этилган жамоа хўялигига кириб ишлайди. Кўпчилик бўлиб далада ишлаш билан бирга колхозчилар ўртасида замонавий термалар, зертаклар ва достонлар айтиб, элининг кўнглини кўтаради. Ҳатто, үша давр руҳиятидан келиб чиқиб, жуда кўп замонавий зертаклар ҳам тўқиыйди. Аслида унинг репертуарида мингга яқин зертаклар ва ривоятлар, латифалар, асқиялар бор эди.

Айниқса, унинг “Бузок, эчки ва қўзи”, “Эчкининг ўч олиши” “Тулки билан товус”, “Хийлагар бедана”, “Очбўри”, “Илон пари” каби зертакларини фанга маълум қилдики, бу асарлар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Унинг ижоди билан эса кўпгина олимлар ва маҳаллий журналистлар, ўқитувчилар ҳам қизиқишиди. Ундан жуда кўп ҳажмдаги асарлар ёзиб

олдилар. Айниқса, Мансур Афзалов, Ҳолид Расул, Зубайдада Ҳусайнова, ўқитувчилардан Абдумутгал Турсунов, Робиддин Исҳоқ Оташ Холмирзаевлар жуда кўп эртаклар ёзиб олдилар. Олимлар томонидан нашрга тайёрланган “Ўзбек халқ эртаклари” (1-том, нашрга тайёрловчи М. Афзалов, Ҳ. Расул, З. Ҳусайнова, Тошкент - 1964 йил) китоби чоп этилди. Кейинчалик ундан “Алпомиш” (Айтувчи Ҳайдар Бойча ўғли, ёзиб олувчи Т. Абдуллаев, Тошкент, 1954 йил), “Авазхон” (Айтувчи Ҳайдар Бойча ўғли, ёзиб олувчи П. Ҳайдаров, Тошкент-1950 йил), “Замонбек” (Айтувчи Ҳайдар Бойча ўғли, ёзиб олувчи Тожибой Фозибоев, Тошкент 1950 йил) каби ўнлаб достонлар фанга маълум қилинди. Кейинчалмғик ундан Малик Муродов, Робиддин Исҳоқов, Оташ Холмирзаевлар ҳам жуда катта ҳажмда достонлар ёзиб олдилар. Айниқса, ундан ёзиб олинган замонавий термалар вақтли матбуотда сурункали чоп этилиб турди. Ундан “Гўрўғли” туркум достонларининг йигирматаси, “Алпомиш” достони, “Ёзи билан Зебо”, “Тўлаб ботир” каби достонлар ёзиб олинган. Бироқ олимларнинг фикр билдиришларича ва кейинги илмий кузатишлар шуни кўрсатдики, ундан “Юсуф ва Аҳмад”, “Рустамхон”, “Авазхоннинг Бўтакўзга хуштор бўлиши”, “Гўрўғлининг Авазхонни олиб келиши” каби энг сара достонлар маълум сабабларга кўра ёзиб олинмаган. Унинг ўтизга яқин достонлари илмий ўрганилганда образларнинг мукаммал ишланганлиги билан ажralиб турган. Барча достонларида халқ ҳәёти, уларнинг турмуш тарзи, қаҳрамонларнинг жасорати, яхшилик ва ёмонлик, эзгуликнинг галаба қилиши ўқувчидаги унинг асарларига қизиқишини орттирган.

Ҳайдар Бойча ўғли биргина достончилик эмас, халқ термаларини ҳам мароқ билан куйлаш, ўзи ҳам ижод қилиши билан ҳам ажralиб турди. Унинг репертуарида жуда катта ҳажмда термалар борки, булар асосан ўша давр қаҳрамонлари ҳәётига, она юрт, халқ орзу ва умидларига бағишлиланган. Унинг айниқса, “Дангаса”, “Ёш ўғил-қизларга”, “Меҳнат марши”, “Қизлар”, “Дўмбирам”, “Болаларимга”, “Ассалом, юртим”, “Наманғоним”, “Кўлбуқон достончиларига” каби термалари инсон ахлоқ ва одоби, мардлик ва меҳнатда кўрсатилаётган жасорат, шаҳар ва қишлоқларимиз жамоли ўз ифодасини топган. Унинг “Баҳор” номли термасида шундай сатрлар бор:

Баҳор келса қорлар эриб сой бўлгай,  
Меҳнат бирла инсон зоти бой бўлгай.  
Тоққа қиёс мўл ҳосиллар яратиб,  
Кўкка учган учқур, учқур той бўлгай,  
дэя оппоқ гулга ўранган баҳор ва унда бободеҳқоннинг  
мехнати, катта ютуқларга эришган қаҳрамон образи тараннум  
этилади. Ёки у ўзининг “Дангаса” термасида эса ялқовлик,  
қоралайди:

Денгиз тўлиб тошмайди,  
Ялқов ишга шошмайди.  
Шунинг учун топгани,  
Бир пайсадан ошмайди.  
Ёруғ бўлди замона,  
Барча бўлсин омона.  
Дангасани билинг сиз,  
Қилган иши ёмон-а!

Ҳайдар Бойча ўғли 1954 йилда Тошкентга боради. У ердаги  
жуда катта янгиликларни кўради. Ҳатто уни Тошкентда  
қурилган ёшлар саройига ҳам таклиф этишади. Шу таассурот  
асосида “Болаларимга” номли шеър битади.

Менинг жонон ўғил-қизларим,  
Суйганимсиз, ширин сўзларим.  
Бахтли бўлинг, қаҳрамон бўлинг,  
Омон бўлинг қаро кўзларим.

Хulosса қилиб айтганда, унинг достонлари-ю, термаларида  
кўтарилиган масалалар хulosалар, мардлик ва жасоратга  
чорловчи сатрлар худди бугунги кунимизни кўйлаётгандай  
бўлади. Зеро, унинг ҳар бир достон, термалари ва ҳикматлари  
халқимизнинг катта маънавий бойлигидир.

Наманган достончилари орасида ўз ижоди ва достонлари,  
обрў ва зътибори билан ҳалқ назарига тушган достончилардан  
яна бири Рazzоқ бахши Қозоқбой ўғлидир. У Пешкўргон ва  
Кўлбуқон достончиллик мактабига мансуб бўлиб, унинг  
репертуарида “Гўрўғли” туркум достонларининг 41 достони,  
“Алпомиш”нинг учта варианти (Ёзib олиш даврида турли хил  
ўзгаришлар қилган), “Ёзи билан Зебо”, “Манас” достониниг  
кичик варианти, “Кунларим”, “Ўзбекистон мадҳи”, “Меҳнат  
қаҳрамонлари” каби замонавий достонлари бор. У 1895 йил,  
тахминан (отанинг ўзларининг айтишича) 25 майда Наманган  
вилояти, Чортоқ туманига қарашли Пешкўргон қишлоғида

таваллуд топган. У Пешкүрғон-Кўлбуқон достончилик мактабининг катта вакилларидан бири Жумабой баҳшининг жиёни бўлган.

Унинг илк марта ижодини мактаб ўқувчилари билан биргаликда Оташ Холмирзаев ўргана бошлаган ва ундан “Алпомиш” достониниг кичик вариантини ёзиб олган. Ўша даврда баҳши олтмишлардан ошган, колхоз даласи-ю, ҳовлисидағина иш бажаар, сеторини ҳам бир четга ташлаб қўйган эди. Аммо мактаб ўқувчилари, айрим олийгоҳларнинг талабалари ташриф-улуғ мартаба келишар озми-қўпми унинг ижодидан баҳраманд бўлишга туртки бўлди. Бу Тошкентда ижод қилаётган олимларни ҳам унинг ижодини ўрганишга қизиқишиларини орттириди.

Кунлардан бирида эса Тошкентдан бир гуруҳ олимлар келишади. Мақсадлари Рассоқ баҳшини ижодини ўрганиш эди. Бу гуруҳга филология фанлари доктори, профессор Малик Муродов раҳбарлик қиласарди. Рассоқ баҳши анча сўзамол одам эмасми, меҳмонларни яхши кутиб олади, дилида туғилиб ётган гаплари-ю, ҳазил-мутойибаларини уларга тақдим этади. Аммо, меҳмонларнинг мақсади ундан достон ёзиб олиш эди. Охири улар ўз мақсадларини баён қилишади. Бирок, Рассоқ баҳши анчадан бери достон айтмаётганини рўкач қилиб, ўзини четга олмоқчи бўлади.

Йўқ, охири у кўнади ва “Алпомиш” достонини бир кечак-ю бир кундуз айтади. Шу баҳона унинг ижодини ўрганиш ва ёзиб олиш ишлари бошлаб юборилади. Натижада, Рассоқ баҳши хонадонига М. Муродов, Н. Каримов, С. Асқаров, Ё. Жўраев, К. Иномов, Т. Зуфаров, Т. Боровкова каби ўнлаб олимлар, ёш тадқиқотчилар ташриф буюришиди. Улар Рассоқ баҳши репертуарининг барча томонларини ўргандилар, ундан “Гўрўғли” туркум достонлари ва “Алпомиш” достонинии ёзиб олдилар. Кейинги ўн йилликлар Фарғона, Андижон, Наманган, Тошкент олийгоҳларининг талабалари ҳам ижодкорнинг ҳали ўрганилмаган томонларини ҳам тадқиқ этдилар.

Чортоқ туманидаги 25- ўрта мактабда ташкил этилган “Фольклорист” тўгарагининг аъзолари (Оташ Холмирзаев раҳбарлигидан) Пешкүрғон достончилиги билан бирга Кўлбуқон, Учкўрғон, Поп, Мингбулоқ достончилари хузурида бўлишиб, турли мавзулардаги эртак, достон ва халқ қўшиқларини тўпладилар. Тўпланган материаллар эса Алишер Навоий

номидаги Адабиёт музейи ва институти фондига топширилди. 1974 йилда эса Оташ Холмирзаев томонидан замонавий термаларини ёзib олишга киришилди. Натижада, катта ҳажмдаги “Кунларим”, “Ўзбекистоним”, “Бўтамга”, “Бахти сектор”, “Кўкка учган ўглонларимга”, “Тошкентим”, “Электр лампочкаси”, “Кохозим”, “Теримчи қизлар”, “Чорток”, “Китоб ўқи”, “Пешкўргоним”, “Канал мадҳи”, “Термалар”, “Насиҳатлар” каби юзга яқин асарлар ёзib олинди. Кейинчалик эса достончи “Махтумқули”, “Широқ”, “Меҳнат қаҳрамонлари”, «Манас» каби катта ҳажмдаги асарлар ҳам яратди.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди ижодкорлари таржимаи ҳолига назар ташланса, уларнинг бари “Кунларим” достонини битишган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Рассоқ бахши ҳам “Кунларим” достонини битган. У бошқа достончилар сингари “Нима айтай?” термаси билан бошланади. Унда бахши ижоди, унинг репертуари бирма-бир санаб ўтилади. Бошқа достончиларда кузатилганидек, Рассоқ бахши “Нима айтай?” термасида кейинги ийларда ёзилган янги достонлари-ю, ҳатто термаларнига ҳам ўрин беради. Сўнг “Кунларим” достонининг баёни акс этган. Жумладан, Рассоқ бахшининг “Кунларим” достони (термаси) ҳам ана шу “Нима айтай-билан бошланади. Жумладан, бу термада шундай сатрлар бор:

Бир дам айтай ўтган била кетгандан,  
Юртин суйиб, қош-қабоқда тутгандан.  
Ёшлигида Лайли Фирни ўргатган,  
Ўргансин деб ипак арқон сўйратган.  
Душманларнинг додин бериб қийратган,  
Назаркарда Гўрўғлидан айтайми?

Асар шундай давом этиб, бахши репертуаридаги қирқдан ортиқ достонлар санаб ўтилади ва охирида “Кунларим” достонига изн берилади.

Ё қишлоғим тарихидан сўзлайми,

Ё “Кунларим” достонидан бошлайми? деган сатрлар билан ўз ҳаёти билан бирга Пешкўргон, Чорток ва унга яқин бўлагн Балиқликул, Суглибулоқ, Заркент, Поромон Ҳазратишиоҳ, Калишоҳ, Бекобод, Алихон каби қишлоқларда ўтган буок зотлар, улар қолдирган мерос, шу ҳаёт жарёнида бахшининг ўтган кунлари мароқ билан куйланади. Ҳар бир воқеада бахши ўзи, ота-онаси, ака-ука-ю, она қишлоғининг донгдор кишилари

**Бефарзандлик дөгидә күйган,  
Аёлларин жонидан сүйган.  
Аваз билан Ҳасанни фарзандим деган,  
Денёдан бефарзанд ўтган султоним.**

Достон шундай давом этарди. Биринчи бор ёзиб олингач, достончи бу асарини яна қайта ишлади, жуда кўп ерларига янгиликлар киритди. 1974, 1976, 1980 йилларда достон уч марта қайта-қайта ёзиб олинди ва бу достонни туман мактабларида бўлган учрашувларда айттириб ҳам кўрилди. Бу Рассоқ бахшининг хақиқий ижодкор эканлигидан далолат эди. Зоро, ҳар қандай бахши достон куйлаётгандада тўқиб-чатишга уста бўлишининг исботи ҳам эди.

Бироқ, Рассоқ бахши ижодида “Гўрўғли” туркум достонлари билан бирга “Алпомиш” достони ҳам муҳим роль ўйнаганини ҳам кўрамиз. У билан бўлган жуда кўп мулоқотлар, достонни ёзиб олиш ва ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдикки, достончи юракдан куйлайди ва Алпомиш образинии ҳақиқий ҳалқ қаҳрамони даражасига олиб чиқади. Бунга ҳалқни-тингловчиларни ишонтиради ҳам.

Рассоқ бахшидан достон беш марта ёзиб олинган. Бу варианtlарда ҳам турли-туман ўзгаришлар, янги-янги мисралар бор. Келинг, ана шу достондан бир парчани ҳукмингизга ҳавола қиласай:

...Алпомиш ўн олти кеч-ю, ўн олти кундуз пойга қўйиб, чопарлар ортидан қувиб бораверди. Чопарлар кўрдиларки, Алпомиш ҳам етиб келди. Ана энди бегимиз келди, деб отларининг тизгинини тортиб туришаберди. Аммо Алпомиш орқасидан ло-ю, тупроқ сачратиб, чангга беланиб, қийқириб ўтиб кетаберди. Чопарлар эса орқасидан ҳай-ҳайлашиб қолишаберди.

Алпомиш чопарлардан ўтиб, яна бир кунлик йўл юриб, бир гўристонликка етиб борди. Мусоғирнинг жойи гўристон деб, от жиловидан тортиб, тўхтатиб тураберди. Шунда атрофдаги ғорлардан одамлар чиқишиб, Алпомишни отдан туширишиб, отни совутиш учун дарахтга қантариб, муридимиз келди, деб уйларига чорлаб туришаберди. Алпомиш йўл юриб анча чарчаган эди. Шунгами кўзи юмилиб уйқуга кетди. Туш кўрди. Тушида чилтонлар Барчинойни унга кўрсатиши. У эса тилло косада Алпомишга чой узатиб, алёр айтиб турган ери бу турур:

**Барчиной:** - Алёр, алёр, тўрам алёр,  
Алёр, алёр, жўрам алёр.

Алёр, алёр, хўжам алёр,  
Бир косада шаробим бор,  
Симиринг сиз, алёр, алёр.

**Алпомиш:** Ўзинг нозик, бўйинг толма,  
Ҳар қўлингда тўққиз олма.  
Алёр, алёр, жоним алёр,  
Суйган ёрдан асло тонма.

Албатта, бундай айтишув ва воқеалар узлуксиз давом этади ва назм ҳамда насрнинг ажойиб намуналари сизни лол қолдириши аниқ. Асарни ёзиб олиш ва тадқиқ этиш жараёнида яна шунга ҳам амин бўлдикки, достоннинг машхур достончи Фозил шоир достонига яқинлиги бор. Шунга қарамай, Раззоқ бахши ўз услуби ва айтиш манерини сақлаб қолган, керак бўлса кўп ерларда жуда катта ўзгаришлар қилган.

Биргина мисол, агар Фозил шоирнинг “Алпомиш” достонида, “Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруғ, Қўнгирот элида Дононбий деган ўтди. Дононбийдан Алпинбий деган ўғил кўрди. Алпинбийдан тагин икки ўғил пайдо бўлди. Каттасининг оти Бойсари, кичигининг оти Бойбўри эди. Умр ўтди. Бойбўри билан Бойсари катта бўлишди. Бойсари бой бўлди, Бойбўри шой бўлди. Бироқ, иккови ҳам фарзандсиз бўлди.

Ана энди ўн олти уруғ Қўнгирот элида бир чипрон тўй қилди. Халойик тўпланди. Барча элатлар келди. Бийлар ҳам, шийлар ҳам келди. Аммо, тўйда бу бийларни қадимгидаи иззат қилиб, кутиб олишмади, отларини боғлашмади. Бийлар, улар бизни келганимизни билишмади, деб отларини ўзлари бойлаб, маъракага келиб ўлтиришаберди...

Раззоқ бахшининг “Алпомиш” достонида эса бироз бошқачароқ таъриф берилади. Унда “Жуда қадим замонда, Бойсун деган томонда, тўқсон икки уруғ бор эди. Уларнинг сараси ўн олти уруғ бўлиб, бу уруғларнинг энг каттаси Дононбой эди. Бу Дононбойдан кенг келбатли, жуда савлатли, ақли зиёда, от минса от белини эгадиган, душманга ёй отса тошни тешиб, чўққисини қулатадиган Алпинбий дунёга келди. Ана шу Алпинбий икки ўғил кўрди. Бирининг оти Бойсари, иккинчисиники Бойбўри бўлди. Улар ҳам оталаридан қолишмайдиган алплар бўлишди. Бироқ, бу бийлар ҳар қанча бой бўлсалар ҳам бефарзанд бўлишди.

Ана энди ўша Бойсунда довруги оламга кетган бир тўй бўлди. Бу тўй қирқ кеча ва қирқ кундуз давом этди. Тўйга барча эл-элатлар келди. Аммо, Бойсари билан Бойбўри овга кетишганди, тўйга айтилмай қолди. Бир вақт тўйдан қайтаётган бийларни кўриб, ҳайрон бўлиб, улардан, қаердан келяпсизлар, деб сўрашди. Улар отдан тушмай, Бойсари билан Бойбўрига Бойсунда оламга донги кетган тўй бўлди дейишди. Буни эшигиб, Бойбўри билан Бойсари тўй томон юришди. Дарвозага етганларида қарашса, тўй эгалари уларни хушламай кутиб олишди. Улар, бизлар бий бўлсан, ўн олти ургунинг бойи бўлсан, довруги кетган алпи бўлсан, отган ўқимиз тогни тешса, жасоратимизни олам билса-ю, нега бизни яхши кутиб олишмади, деб туриб қолишиди.

Кўчада туриб қолган бийларни кўрган Бойсун элининг катталари, бийларга айтишди. - Э, Бойсари билан Бойбўри, бу тўй ўғил кўрганларнинг тўйи. Бу тўйнинг пойгаси-ю, кўпкариси, кураши-ю, кўчкор уриштириши бор. Керак бўлса қиз қувди-ю, пойгаси бор. Етти иккимдан келган полвонларнинг кураши бор. Қирқ кеча, қирқ кундуз достон айтишмоқлари бор. Сизларда бу майдонга тушувчи кимингиз бор? Сизларда на ўғил, на қиз бўлса. Ўлсанглар бийлигинглар давомчилари борми? Йўқ. Сизлар элатимизнинг палови-ю, устихонларини ейсизлару, тўй қилиб бермасанглар. Бу қайтар дунё. Ҳуш, сизлардан нима қайтади ўзи, дейишди. Бу гап, сўзлар, дашномлар бийлар кўнглига тегиб, ўрниларидан туриб кетишиди. Кетиш олдидан хуржунларидағи тилла-ю, кумуш тангаларни тўй қилаётганга бериб, отларини ҳам ўзлари ечиб, миндириб қўядиган ҳам одам бўлмай, отга минишиди-ю, кўзларида ёш билан от суриб кетишиди.

Бир вақт улар бир ерга етиб, тўхташиб, бир-бирларига боқишиб, туриб қолишиди. Шунда Бойбўри деди: -Бойсари ука, бойлигимиз беҳисоб бўлса, битта чорванинг ўзи минг ўтовдан ошди. Еганимиз олдимиизда, емаганимиз оптимиизда бўлса-ю, битта фарзанд бўлмаса. Биз ҳам қирқ кеча-ю, қирқ кундуз тўй берсан, деди. Шунда Бойсари айтди: -Э, ака, болани Аллоҳдан бошқа беролмайди. Сотиб олса бўлару уни ясад бўлмайди. Шунинг учун юртимиздан сал нарида бир алломахизр бор, шунга борайлик, сухбатини олайлик. Ажаб эмас, худо бизга ҳам бола берса, деди.

Достон шу тарзда давом этади. Юқоридагилардан күриниб турибдики, ҳар икки достончи ҳам асар қаҳрамони сифатида Бойсари ва Бойбўрини танлашади. Аммо, асарни баён этишда, ҳолатларда айрим ўзгаришлар бор. Менинг назаримда Рассоқ бахши достонида аниқлик, миллийлик, соддалик мавжуд. Достондаги қишлоқ ва шаҳар (афсуски ўша даврларда шаҳар даражасини олган қишлоқлар жуда кам бўлган)лар номланиши ҳам туркона номлар билан аталган.

Ҳар икки асарда ҳам қаҳрамонлар бефарзанд. Бирок, менингча, Рассоқ бахши нусхасида миллий рух, ҳолат ўзбекона. Бунинг асосий сабабларидан бири достон ёзиб олинган 1964, 1971, 1974 йиллар ичida Рассоқ бахши барча “Алпомиш” достонлари билан танишиб чиққан ва замондаги ўзгаришлар унга таъсир қилган, дейишга асосимиз бор.

Шунингдек, Кўлбуқон достончилик мактабининг юзга яқин катта-кичик достончиларининг барида бу достон бўлган. Бу эса бахшиларни қўшиб-чатиш методидан фойдаланишга изн берган. Шунингдек, бу икки достончининг “Алпомиш” достони қиёсий ўрганилганда, достондаги барча образлар воқеа ва ҳодисаларни ҳам ўзgartирилган. Ёки бахши яшаётган муҳит ва шароитга мослаштирилган. Энг қизиги ҳар икки достончи асарида ҳам Бойбўри ва Бойсари бола қўрганида Шоҳимардон пиrim томонидан ном қўйилади. Болаларнинг номи Ҳакимбек ва Барчин бўлади. Шу билан бирга ҳар икки асарда ҳам Ҳакимбекнинг Барчинга уйланиши башорат қилинади. Яна бир воқеа шуки, Фозил шоир билан Рассоқ бахши куйлаган достон вариантида шеърий мисраларда ҳам анчагина ўзгаришлар бор. Мисолларга эътибор берайлик.

**Фозил шоир: Оҳ урганда кўздан оқар селоб ёш,**  
**Маслаҳат бер, ўн икки минг қариндош.**  
**Барчинойнинг бўйи етган қаламқош,**  
**Қўнғирот элдан молга закот келибди.**  
**Маслаҳат бер ўн икки минг уйли қариндош.**  
**Рассоқ бахши: Юрагимдан қайнаб**  
чиқар армоним,  
**Бу сўзларинг олди менинг дармоним.**  
**Нор кесар олмосни белга солайлик,**  
**Шоҳим сенга не маслаҳат берайлик.**  
**Ҳар иш қилсанг шоҳим ўзинг биласан.**

Шу юртга күшни бўлган Кўйиқоф деган жойда эса Бекназар исмли бир камбагал ҳам яшар экан. Унинг Ёзижон исмли ўғли бўлиб, ота- онаси ўтиб кетганилигидан етим- сагир бўлиб қолган экан. Аммо у жуда назаркарда йигит экан. (Кўйиқоф)

Мамасодик шоир достонни шундай бошлайди ва асар давомида севги ва муҳаббат оловида ёнган бу ошиқлар тақдирини жуда мароқ билан куйлади ва тингловчини қизиқарли воқеалар гирдобига олиб киради. Шу билан бирга достондаги наср билан назм ҳам жуда чиройли мисралар билан куйланади. Келинг, ундан бир банддан тинглайлик.

**Зебожон:** - Қошингни қаросига пилик бўлай,

Хар битта суягингга илик бўлай.

Осмонингда порлаб турган юлдуз бўлай,

Зар чўпонинг ёқасига қундуз бўлай.

**Ёзи:** Бўталар ўйнаб келар яйловидан,

Зебожон ўйнаб келар ўз боғидан.

Дарёлар тошиб келар номинг айтиб,

Зебожон кел бағрима сўзинг айтиб.

Асар якунида икки севишган қалб тогу тошларга чиқиб кетишади ва ўша ерда бир умр яшашга мажбур бўладилар.

Наманган достончиларидан яна бири Омон бахши Рассоқ ўғлидир. У ҳам Наманган достончилигига муҳим ўрин эгаллаган ва ҳалқ оғзаки ижоди дурданаларини авайлаб асрраган ва бугунги кун адабиёти ривожига ўз ҳиссасини кўшганлардан биридир. Ундан ўнта достон ёзиб олинган. Уларнинг кўплари тўла ёзиб олиммаганига қарамай, ўрганса, давр достонининг тили, ўзбек адабиётида тутган ўрнига баҳо берса бўлади. У кўпроқ “Алпомиш” достонини тўлиқ ва мукаммал билади ва севимли достон сифатида куйлаб келади. Шунингдек, унинг репертуарида “Ёзи билан Зебо”, “Гўрўғли” туркум достонларидан “Гўрўғлининг болалиги”, “Авазхон”, “Ҳасанхон”, “Бўтакўз”, “Тўлаб ботир”, “Мисқол пари”, “Юнус пари”, “Гулнор пари” достонлари бор.

Омон бахши Рассоқ ўғли 1930 йилда Пешқўргон қишлоғида таваллуд топган. У аввал қишлоқдаги ўрта мактабни тутатган. Сўнг колхоз ва совхозларда ишли бўлиб ишлаган. Унинг асосий қасби дехқончилик бўлган. У отасидан достончиликни ўрганганд. Шу билан бирга ўзи ҳам жуда кўп замонавий термалар айтган. 1965 йилда ундан биринчи марта “Алпомиш” достонининг тўлиқ бўлмаган варианти ёзиб олинган. Ҳатто, Наманган телерадиокомпанияси унинг “Алпомиш” достонини тўла видеолаштириб, ўз архивига олган.

Қисқаси, Омон бахши Раззоқ ўғли Кўлбуқон Пешкўргон достончилик мактабида ўз ўрнини топган ижодкорларданdir. Унинг ижоди билан олимлардан М. Муродов, Т. Зуфаров, О. Холмирзаев, А. Турсунқулов, А. Эргашевлар шугуланишган. Жуда кўп мақола ва рисолаларда у ҳақда маълумотлар берилган.

Наманган халқ оғзаки ижодида яна жуда кўп достончилар бор. Айниқса, Усмон Маматқул ўғли, Матрайим бахши, Сувон, Қорабой, Суяр, Қобил, Арслон бахши ва шунга ўхшаш юзга яқин достончилар ҳақида фикр билдириш мумкин. Улар эмас, Кўлбуқон ва Пешкўргон, Учкўргон, Поп, Мингбулоқда ижод қилган ўнлаб достончилар ҳақида ҳам кенг қамровли сатрлар битиш жоиз. Шунга қарамай, ушбу мақоламизни шу ерда тұхтатиб, қолган ишларга, албатта, келажақда қўл урамиз, деган умиддамиз.

### АДИБНИНГ УЧ КУНИ

Үйга кеч қайтдим. Бир пиёла чой ичиб, энди ётишга чоғланган ҳам эдимки, дарвоза тарақлаб қолди. Ташқарида кимдир чақирав, менинг овоз беришимга қарамай, дарвозани устма - уст тарақлатарди.



- Ким у?- дедим шошиб дарвозани очарканман, ташқари чирогини ёқиб. Катта күчанинг ўртасида "Волга" машинаси турар, унинг ёнида эса бири паст бўйли бўладан келган ёшгина йигит билан, ўрта бўй, бошига сават шляпа кийган киши турарди.

- Ассалому алайкум, - деди бояги бўладан келган, паст бўйли йигит мен томон шошиб, - Оташ ака бўлсангиз керак, кутмаганингизда меҳмон олиб келдим.

- Ҳуш келибсизлар,- дедим у йигитнинг қўлини олиб, - меҳмон отангдек улуғ, дастурхонимиз эса ҳамиша очиқ. Кечирасиз, Шукур акамисиз?, - дедим шошиб.

- Ўзлари, - деди Шукур ака мени бағрига оларкан, - сиз бормасангиз мана мен келдим. Тошкентдан салом, қалайсиз?

- Раҳмат, - дедим мен Шукур аканинг маҳкам қучиб, - бола-чақалар, дўстлар яхшими?

Шукур ака бошидан шляпасини олди, кейин ён томонда турган йигитга боқди: - Бу киши анжанлик, драма театрининг режиссёри, қадрдон дўстимиз,- деди Шукур ака Аммо, у йигитнинг негадир исми-шариfinи айтмади. Мен эса меҳмонларни ичкарига чорладим.

- Кечирасиз, - деди бояги йигит, қўлимдан тутиб, - менга рухсат берасиз, хозир айни спектакл кетяпти, зудлик билан етиб бормасам бўлмайди. Ҳа, балки индинга, ё ундан кейинги кунга албатта келаман.

Мен норози бўлгандай унга томон боқдим. Бироқ, йигит Шукур аканинг қўлини ушлади.

- Менга рухсат, учрашамиз,- деди шошиб машина ролига ўлтирапкан. Бир зум ўтмай «Волга» кўздан гойиб бўлди. Шукур ака машина чироги кўздан йўқолгунча термулиб турди-да, яна мен томонга қаради:

- Яхши йигит экан, икки кун бирга бўлдик, - деди Шукур ака мен билан ичкарига юраркан. Аёлим Муборакхоннинг салом-алигидан сўнг кўрпача солинган катта уйга ўтдик. Дастурхонга қўйилган ноз-нэъматларга ҳам қарамай, адабиёт, санъат, водий одамлари-ю, санъткорлар ҳақида суҳбат бошланиб кетди. Мен шуни сездимки, Шукур ака ўша биз таниган Сора Эшонтураева, Ёқуб Аҳмедов, Машраб, Сўфизода, Зафар Диёр, Чустий, Ҳабиб Саъдулла-ю, Турғун Пўлатлар ҳақида кўп нарса билар экан. Кейин суҳбатимиз ҳалқ оғзаки ижодига бориб етди.

- Адабиёт ҳалқ оғзаки ижодидан бошланган, шу боис ҳам ўзбек адабиёти жуда ўлкан ва жуда бой, - дедим Шукур акана боқиб. У киши бироз ҳаёлга толди, кейин қўлида ушлаган кичик дафтарчаларини олиб, бир нима қидиргандай бўлди.

- Ҳа мана, - деди Шукур ака, - Балиқчилик Исмон бахши (Балиқчи тумани Элатан қишлоқ), Ҳусан Ражаб ўғли (Балиқчи тумани, Гуравон қишлоғи)ларни биларсиз? - деди Шукур ака сал жилмайиб.

- Ҳа, балиқчиликлардан Имомназар, бахши, Ўғил бахшилар ҳақида ҳам маълумотлар тўплаганман. Улар ижодини тадқиқ қилганман. Билсангиз керак, Андижонда Ҳошимжон Рассоқов деган машхур олим бор, у кишидан ҳам кўп маълумотлар олганман.

- Катта раҳмат, фанга ҳеч бўлмагандан номларини қолдириш ҳам катта бойлик, мен тадқиқодчиларга тасанно айтаман. Агар улар бўлмаса адабиёт ўлиқ ҳолга келарди. Яхшими, ёмонми бир чизиқ иззган шоирни ҳам ардоқлаш керак-деди яна Шукур ака. Мен у кишига чой узатдим, зум ўтмай аёлим қишлоқча шўрва кўтариб кирди. Шукур ака ҳайрон аёлимга боқди.

- Кечирасиз овқатнинг ҳеч ҳожати йўқ эди. Соат ҳам ўн икки бўлибди, жуда овора қилибманда, - деди ҳижолат бўлгандай.

- Овиласи борми, меҳмон биз учун улуғ, олинглар ош бўлсин, - деди орқаси билан ташқарига чиқаркан. Шукур ака қошиқ билан овқатни кавлашга тушди, ичидан ошқовоқ картошка ва саримсоқ пиёзни тарелкага олиб, бир қошиқ хўплади.

- Оҳ, оҳ зап овқат бўлтида, нима бу шўрвами? - деди соддалик билан.

✓ - Ҳа; қишлоқча қовоқли шўрва. Шукур ака жилмайди. У киши билан қанча учрашган бўлсам бирор марта қаҳ-қаҳ уриб кулганини кўрмагандим шунгами, “зап одамда”, деб қўйдим ичимда. Сўнг яна гапимиз халқ оғзаки ижодига бориб қадалди.

- Бизнинг Пешқўргон қишлоғида эллиқдан ортиқ достончи ўтган, - дедим Шукур ака фикрини яна халқ оғзаки ижодига буриш учун. У киши бирдан жонлангандай бўлдилар.

- Ростданми? - деди у киши қўлида ушлаган қошиқни косага соларкан.

- Ҳа, - дедим мен, - ҳатто достончилик мактаби бўлган. Бу мактаб Кўлбуқон достончилик мактаби орқали шаклланган. Унинг боши Жумабой бахшидан бошланган, кейин 1960-1970 йилларда довруг таратган Рассоқ бахши, Абдуазиз бахши, Исмон бахши, Мамасодиқ ва Омон бахши, Қўчкор, Суяр каби ўнлаб бахшилар ўтган. Шукур ака яна дафтарчасини қўлига олди.

- Тўхтанг, - деди Шукур ака, - ким дедингиз? Мен достончилардан ўнтачасини санадим. У киши эринмай ёзди, кейин ручкасини дастурхонга қўйиб, яна менга юзланди. Балки бирортаси билан учраштирасиз?

- Эртагаёк Рассоқ бахши билан учраштираман, - дедим. Шукур ака ўйга толди. У бир нарсани мулоҳаза қиласар, балки у Сурхондек катта воҳа достончилари ҳақида ўйлаётгандай эди. Зеро, Сурхон воҳаси достончилар ватани эканлиги аниқ эди. Бунинг устига Алпомиш - Ҳакимбекнинг асл юрти дейишарди. Сурхон ва Қашқадарё воҳаси достончилари ҳақида Ходи Зариф, Муҳаммаднодир Саидов, Малик Муродов, Музайна Алавия, Тўра Мирзаев, Баҳодир Саримсоқов, Комилжон Имомов, Абдуолим Эргашевлар ўз сўзларини айтишган. Айниқса, Малик Муродов бу воҳани пиёда кезиб чиқсан ва фанга ўнлаб достончи-ю, эртакчиларни, қўшиқчилару, мақол ва матал айтувчиларни, болалар фольклори-ю, тез айтишлар ўйинларини ёзиб олган ва элликка ёқин мақолалар ёзган эди. Балки Шукур ака шулар ҳақида ўйлаётгандир.

- Ҳа, бу Рассоқ бахши деганингиз қанча достон билади? - деди бирдан Шукур ака мен томон боқиб. Мен унинг ўйчан қўзларига термулдим.

- “Гўруғли” туркум достонларининг қирқтасини, “Алпомиш” достонининг мукаммал билади, ундан ташқари “Ёзи билан Зебо”, Манас”, достонининг «Семетей ва Сейтек» қисмини ёддан айтади, -дедим унга. Шукур ака ҳайратга тушгандай тўхтаб қолди. Кейин бир нимадан хурсанд бўлгандай, жилмайиб қўйди.

- Оташ, - деди Шукур ака, - мени жуда қизиқтириб қўйдинг, бугун уйқум келмаса керак, ё тушимда ўша Рассоқ бахшингни кўриб чиқаман. Яхиси ухлайлик, бу соат дегани енгил атлектика билан шуғулланадими дейман, бир бўлибди-я.

Шукур аканинг таклифи билан уйқуга кетдик. Тонгда эса Шукур ака эрта уйғонганини, “Жаҳон болалар адабиёти” сериясида чоп этилган 105 томлик китоблардан бирини ўқиётган ҳолда учратдим.

- Зап китобларда, шу 105 томнинг бари ўзбек тилига ўғирилганда эди, - деди Шукур ака, уч-тўрт ёстиққа суюнганча. Рости, кечқурун иккитагина ёстиқ қўйилганда, Шукур аканинг бошига қандай қилиб, яна иккита ёстиқ келиб қолганига ҳайрон у кишига бокдим.

- Ҳайрон бўлма, кечаси Рассоқ бахшини учратдим, у киши узун бўйли, оппоқ соқолли, оқ яктак кийган, жуда нуроний чол экан. Қўлида сетори билан келди, кейин “Алпомиш”ни шундай атдики, роса маза қилдим, - деди Шукур ака.

Рости мөя ишонмадим, бирор ерда ё суратини ёки телевизорда тайёрган күрсатувни күрган бўлса керак, деб ўйладим. Мен ўрнимдан турдим, мени кўрибми, Шукур ака ҳам ўрнидан тўрди, хонадаги шкафларга терилган китоблар орасига қалин муқовали “Повести и рассказы современных зарубежных писателей” ей“ деган китобни авайлаб жойига қўиди, кейин китоб жавонига термулиб қолди.

- Қизик, - деди бирдан Шукур ака мен томон ўгирилиб, - туни билан Шандор Тотан, Марли Каллоген, Петр Незнакомов, Жанни Родари... ҳе, қанча ажойиб ҳикояларни ўқиб чиқдим, лекин барибир Абдулла Қаҳҳор ҳикояларига етмайди.

Мен ташқарига чиқдим, аммо хаёлимда ҳикоялар жавлон ура бошлади. Тўғрида, дунё ёзувчиларининг қанчадан-қанча ҳикоялари-ю, қиссалари бор. Айникса, А. П. Чехов, Эрнест Хеменгуе, Перм Чанд, Уильям Сароян ҳикоялари менга ёқарди. Бироқ ҳикояларнинг бари ўзбекона эмасди. Назаримда, бизнинг турмуш тарзимиз уларнидан анчагина фарқ қиласади. Шукур ака мақтаганидек, Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида ўзбек деган миллатнинг ўзи-ю, кўзи, меҳр-оқибати-ю, салбий типлари мана “мен” деб кўзга ташланиши, унинг “Ўғри” ёки “Анор” ҳикояларидаги қайси образга мурожаат қиласади, у ўзимизни эканлиги билиниб турарди. Менимча бу борада А. П. Чеховга етадигани ўйқ. Хаёлимдан шулар ўтади. Балки Шукур ака ҳам шу ҳақда ўйлаётгандир, деган фикрга ҳам келдим. Ахир туни билан дунё ҳикояларини ўқиган кишида ўша асарлардан ортиқ нима бўлиши мумкин?

Кейин нонушта қилиб, мактабга жўнадик. Шукур акага ваъда берганимдек Раззоқ баҳшининг уйига бордик. Баҳшининг ҳовлиси қишлоқнинг Орариқ худудида жойлашган бўлиб, у ер адирликдан иборат эди. Беш минг гектардан ортиқ бу адирликда қишлоқ аҳолиси лалми буғдой экишар, кўй-кўзи, мол боқишарди. Адир ерлар паст-баланд бўлишига қарамай, шундай текис ерлари ҳам анчагина эди. У баҳор келса лолаларга, кўм-кўк ўтларга тўлар, ёз келса олтиндек товланган қайроқи буғдойлар билан тўлиб тошарди. Қишида эса бу ерлар ов қилишга жуда қулай эди. Шунгами, қишида каклигу қўён, тулки овловчилар кўпаярди.

Раззоқ баҳшининг бутун умри ана шу ерларда, аввал бойлар, кейин колхоз ерларида дехқончилик қилиш билан ўтган. Бир вақтлар тўй-томушаларда достон айтиб, қишлоқ аҳли кўнглини хушлаган. Достончи бугун достон сўраб келган олиму талабалар, тадқиқотчилар гагина керак эди холос.

Бахши бизни жуда хурсандчилік билан кутиб олди.  
Күчоқлашиб күришдик. Шукур акани у кишига таништирдим.  
Раззоқ бахши худди эски қадрдонидек бағрига босди.

- Сиз тұғрингизда Оташ Мирзо айтиб берганди. Ҳа, бир ҳикоянгизда қишлоғингиз, қишлоқдаги дүстларингиз, колхоз раиси, яна аллақандай чойхонадаги базмиди...

- Раҳмат ота, нима, ҳикояга ҳам қызықасизми? - деди Шукур ака қулиб.

- Ижодкор одам ҳамма нарсага қызықиши керак. У элнинг күзи, одамлар шу билса керак, деб бирор нарсаны сүрайди билолмай қолсангиз, шу ҳам шоир бўлдими, деса нима бўлади? Мана сиз ҳикоянгизда бир образни тасвирлайпсиз, у нақадар нўнок, дангаса, ота-онаси-ю, - қишлоқ аҳлига фойдасиз бўлса, ундан ким ҳам дилидаги-ю, билмаганини сўрайди.

- Яхши гап,- деди Шукур ака икки қаватли кўрпачага жойлашиб оларкан.- Энди асосий гапга ўтсак ҳам бўлади. Оташ сизни машҳур достончи деди, айтингчи қайси достон билан машҳур бўлгансиз?

- “Алпомиш” билан, - деди Раззоқ ота Шукур ака гапини ҳам тутатмай.

- Ундей бўлса ўша бизнинг “Алпомиш”дан эшитайлик. Раззоқ ота ўрнидан турди, кейин бир четда деворга осигуриқ турган сеторини олди, сўнг худди отнинг дупурини эслатувчи куйни бошлаб юборди. У шундай шиддат билан чалардики, мана- мана бир қуюн от бостириб келаётгандай эди. Кейин бирдан тўхтади, Шукур ака бўлса у киши томон интилди.

- Кечирасиз, бу от туёғи овозини қандай чиқардингиз?- деб сўради сеторни қўлига оларкан. Раззоқ ота оппоқ соқолини силади, кейин қулиб қўйди.

Хўп, энди “Алпомиш” дан айтсан айтай, - деди яна сеторини Шукур ака қўлидан олиб,- от дупурини эса достонни эшитиш давомида билиб оласиз. Сўнг, у яна сеторини бир-икки диринглатди-да, “Нима айтай” термасини бошлаб юборди.

Бир дам айтай ўтган билан кетгандан,  
Юртин сўйиб, қош қабоқда тутгандан.

Дастурхонлар ёзиб, катта тўй қилиб,

Шукуржонни меҳмон қилиб кутгандан.

Шукур ака достонни бу ҳолатда бошланишини кутмаган эканми, бир кўзғолди, икки қўлини бир-бирига урди, сўнг Раззоқ бахшига термулиб қолди.

Ёшлигига Лайли Фирни ўргатган,  
Ўргансин деб ипак арқон сүйратган.  
Душманларни додин бериб қийратган,  
Назарканда Гүрүғлидан айтайми?  
Ёв деганда жоду кўзи яйнаган,  
Остидаги Фиркўк оти ўйнаган.  
Душманларин қилич бирла сийлаган,  
Зар кокилли Авазхондан айтайми?  
Лақабини Алпомишбек дейишар,  
Хурматин эл ўрнига қўйишар.  
Турон эли бари уни суйишар,  
Кўнгиротлик Ҳакимбекдан айтайми?  
Икковлари бир-бирига муносиб,  
Кўрганларам қилас доим таҳосиб.  
Урганч юртда ўсган Аҳмадман Юсуф,  
Юсуф билан Аҳмадбекдан айтайми?  
Қовун экдик Пешкўргонинг бошига,  
Сайр қилдик, сарчашманинг қошига.  
Кел, Зебожон Ёзи томошосига,  
Ёзи билан Зебожондан айтайми?  
Оти Ёкиб, ўзи Конхондан келган,  
Үғлини қул қилиб, бозорга солган.  
Чин ошиқ Зулайҳо харидор бўлган,  
Юсуф билан Зулайҳодан айтайми?  
Турк - қирғизнинг бойлиги-ю, боридан,  
Элга достон Манас деган норидан,  
Айтаймикан ёки унинг ёлидан,  
Буюк "Манас" достонидан айтайми?  
Сурхон билан Пешкўргонни боғлаган,  
Ҳар асарин яхшиликка чоғлаган.  
Она Ватан оқ сутини оқлаган,  
Шукурбекнинг қиссасидан айтайми?

Раззок бахши шу сатрларни айтиб, сеторини дастурхонга  
қўйиб, бир қўли билан иккинчи қўлини силаб, тураверди. Шунда  
Шукур aka бошига кийган шляпасини олиб, ҳайратланиб,  
достончига бир сўз деди.

- Ота, мен ҳам шеър битганман, аммо бугун ёзувчиман,  
шундай экан, мен сиз каби шеър тўқий олмайман. Агар рози  
бўлсангиз, "Алпомиш"дан озгина айтиб берсангиз.

- Ҳа, яшанг, - деди Раззок бахши яна сеторини созларкан.

- Айтсам, айтай, - деди у ва сеторини, боягидан ҳам қаттиқроқ чалди, кейин шиддат билан достонга кириб кетди.

...Хай, шундай қилиб, жуда қадим замонда, Күнгирот деган томонда, ота-боболаримиз кўчманчи-чорвадор бўлган замонда, Домонбий деган ўтди. Добонбийдан Алпинбий деган ўғил туғилди. Алпинбийдан ҳам икки ўғил туғилди. Бирини Бойбўри, иккинчисини Бойсари қўйди. Иккови той чопиб, пойгода пойгакда қолмай, қилич уришу, найза санчишини ўрганиб, ҳар иккиси ҳам бий бўлиб, бий бўлганда ҳам, бийларнинг биии бўлиб юраверишди. Аммо, иккиси ҳам фарзандсиз эди. Шундай бўлишига қарамай Бойсари бойлигига ишонди. Бойбўри шоҳлигига ишонди. Кўнгирот элида, айни баҳор кунида, ўн олти уруғ тўй қилди. Тўйга ёшу қарини чақирди. Тўйга бойлар келди, қанча ўтов уйлар келди. Бор ҳам келди, йўқ ҳам келди. Бу тўйга Бойсари-ю, Бойбўрилар ҳам келди. Аммо, тўйдагилар уларни хушламай кутиб олишди. От жиловидан ушлаб қантаришмади. Шунда Бойсари ҳам Бойбўри ҳам отларини ўzlари боғлаб, катта даврага келиб ўтиришаберди.

Бойсари билан Бойбўрининг кўнгли ғаш бўлди. Яна шуниси ҳам қизиқ бўлдики, бийларга этни ҳам ошни ҳам тузукроқ сузишмади. Буни кўриб, “Нима гуноҳимиз бор, нега беҳурмат қилишяпти?” деб туришаберди. Шунда унинг туришини кўриб, бир чапани бий уларга қараб айтди:

- Эй, Бойбўри билан Бойсари бу тўй ўғилнинг ўғлидан қайтади, қизлининг қизларидан қайтади, сенларнинг нималарингдан қайтади? - деди.

Бу сўзларни эишитган бийлар тўйга тўёналарини ташлаб туриб кетишиди.

Шукур ака бу достонни берилиб тинглар, баъзан мен томонга боқиб, достон сатрларини ёзаётган қўлларимга термулганча ҳаёл сурарди. Мен қаламимни дастурхонга қўйдим. Ўшанда кеч бўлганди, аммо Раззоқ бахши ҳамон куйларди. Шукур ака бўлса, бир нуқтага термулиб турарди. Буни Раззоқ бахши ҳам сезди, кейин сеторини тўхтатди-да, Шукур акага, кейин менга қаради.

- Ҳа, қўлларинг толдими? - деди жилмайиб. Мен шошиб кўзимни Шукур акадан олиб, Раззоқ отанинг чарчоқли қўзларига бокдим.

- Урганиб кетган, - дедим мен.

- Ундей бўлса, овқатга, Омонбий, чой-пойни келтири, -деди, ўрнидан қўзғалиб. Хонага косада шўрва кўтариб, Мамасодик бахши кириб келди. Шукур ака бўлса, қўлида ушлаган ручкасини дастурхонга қўйиб, ноз-неъмат билан тўлган дастурхонга термулиб қолди. Кейин бир нима ёдига тушгандай, менга қаради.

- Ажойиб, биз бир шеърни ёд олишга қийналамиз, булар бўлса, соатлаб ёддан достон айтади. Ҳа, бу ҳам мўъжиза. Бундай иқтидорни ҳаммага ҳам насиб қилавермайди, - деди Шукур ака.

- Бу ҳам холва, “Гўрўғли” достонини Малик Муродов, Тўхтамурод Зуфаров, Тамара Боровковалар келишганда икки сутка ёзишган. Ҳатто чидамай туриб кетишган. Яхши ҳам ўшанда, магнитофонга ёзиб олган эдик, бўлмаса чала-чулпа бўларди.

Шукур ака эски вассалик уйнинг шифтига термулди, кейин токчаларга териб қўйилган чойнак ва пиёлаларга назар ташлади. Нега шундай, мен ҳам унга термулдим. Аммо у бирдан аввал Раззоқ бахшига, кейин косада шўрва кўтариб кириб келаётган Омон бахшига боқди, гўё у кишини биринчи марта кўраётгандай туриб қолди. Омон ака буни сезди, кейин оппоқ соқолини силади.

- Бизнинг Сурхон одамлари ҳам шунаقا содда яшашади, - деди Шукур ака қўлида ушлаган қаламини негадир дафтари устига уриб, жойларингизу ҳовлилар, одамлардаги соддалиқда ҳам ўхшашлик бор экан.

Ўша куни Шукур ака анчагача ўйчан юрди. Бироқ у нималар ҳақида ўйларди, нималарни мулоҳаза қиласди билиб бўлмасди. Сабаби, Шукур ака жуда камгап, содда, самимий, мулоҳазали, ~~бирор нарсани~~ кўрса таг-туги билан билишга қизиқадиган одам эди. ~~Яни~~ бир нарсани сездимки, Шукур ака ўз асалари ҳақида бирор оғиз сўзламасди, ёки бирор киши фалончи ҳикояни жа зўр ёзибсиз-да, деса, у киши фақат жилмаяр, айрим ёзувчилар сингари гап олиб қочмасди.

Эртасига Ариқбўйилик Султоннинг таклифига кўра, “Қуёш”га чиқдик. Қуёш Қирғизистон Республикасининг Ариқбўй қишлоғи тепасида жойлашганд, тог орасидаги дала-ҳовли эди. Бу ерни шу қишлоқдаги “Бўспи” колхозининг раиси мулла Азим Мавлонов курдирган эди. Дала-ҳовлига етмай қучоқ етмас толлар ўсиб ётар, кўк ўпган Бўспидан тушиб келаётган зилол сув доимо жилдираб оқарди. Шунгами, бирор ердан меҳмон келса, бу ерга олиб чиқиш бизнинг одатимизга кириб қолганди.

Дала-ховлининг яна бир яхши томони бор эди. Эрта баҳордан то ёзинг жазирама иссигигача, қушлар жавлон урар, эртадан кечгача булбуллар сайраб ётарди. Кўк ўпган тоғ томонга эса иккита сўқмоқ йўл кетган, бу йўл жуда тор бўлишига қарамай, тоқقا кўтарилиш ва унинг арчазорлари оша оппоқ булатлар, пастга томон жилдириб оқаётган сувлар, қоя тошлар оралаб бораётган ёввойи кийигу ҳатто арслон ва шерларни ҳам учратиш мумкин эди. Айниқса, каклик кўп бўлиб, қиши келиши билан ҳаваскор овчилару тоғ ҳавосидан симиришни орзу қилган кишилар меҳмон бўлишарди.

Бу ернинг яна бир сири бор эди. Қишлоқда биттагина мактаб бор бўлишига қарамай, Жунай Мавлоновдек катта ёзувчининг ватани эди. Унинг ўндан ортиқ романлари, киши дилини қитиқловчи қиссалари бор эди.

Қисқаси бу ер, ана шунақа азиз гўша эди. Ҳали бундан бир соат олдин кўм-кўк ўтлар устига солинган кўрпачалару қирғизча намат, сал нарига тикилган ўтовга кирмай каттагина кўчкорни оёғимиз остига кўндаланг қилишди. Шукур aka бундай одатни Сурхонда-ю, Марғилонда кўрган бўлса керак, “нима ҳам дердик, улуғлару дўст-биродарларимизга баҳшида бўлсин”, дея фотиҳа тортди. Ўн чогли меҳмону мезбонлар давра олдик. Дастанхонга қўйилган мева-чева, бўғирсоғу қовун-тарвузлар, сут-қатигу, қимиз, пишлогу сузмалар бу дунёning жаннатини эслатарди.

Қирғизларнинг яна бир одати бор. Улар даврага киришса, гапдон бўлишади, табиату одамларга атаб, бир соатлаб ирдашлари ҳам мумкин. Уларнинг яна бир томони қўшиб-чатишга жуда уста бўлишади. Қирғиз “Манас”чилари билан учрашиб, уларнинг бу достонини куйлатиб кўрилганда ҳар сафар янги-янги мисралар қўшганликларини, ҳатто “Манас” достонини етти кеча, етти кундуз айтиб ҳам тугата олмаганликларини ҳам кузатганимиз.

Ариқ бўйидан шимол томонда эса, Караван шаҳарчаси, бу ерда каттагина китоб дўкони бор. У ердан Чингиз Айтматов, Тўхтагул Сотилганов, Жунай Мавлонов, Али Тўқонбоев, Соронбой Жусуев ва бошқа жуда кўп шоир ва ёзувчиларнинг китобларидан харид қиласдим. Шу баҳона дўкон мудирию, сотовчиси билан дўстлашдим. Шунда бир нарсага амин бўлдимки, қирғизларнинг кексаю-ёши қирғиз адабиётини беш қўлдай билишади. Керак бўлса, Жунай Мавлоновнинг

“Буюктик” (Буюклиқ) романининг бош қаҳрамонидан тортиб, то салбий қаҳрамонигача бу асар кимлар ҳақида ёзилганингача аниқ маълумотлар олганимда, никоҳ тўйлари-ю, иқтидорли ёшлар кўрик-тандловлари, битирувчилар кечасида «Манас» достони совға қилиниши эшитиб, ҳайратга тушган эдим.

Мен Шукур ака бу ҳақда нима билиши мумкин деган саволни ўзимга бериб турган эдим, Шукур аканинг ўзи сўз бошлаб қолди.

- Яхши одат, ҳавас қилса арзийди, қани энди бизда ҳам ҳеч бўлмаганда “Алломиш” достонини ҳамма билса, уйида “Алломиш” достонини Куръон китобини сақлагандек, сақлашса, -деди бирдан ~~хәелимий~~ бўлиб, - афсуски, аксарият халқимиз, уйида китоб ~~сақлашни~~, ўқиши, ёд олишни билишмайди. Ваҳоланки, қадимий аждодларимиз бир юз ўн тўрт сурадан иборат Куръон китобини тұла ёдлашган. Балки, ўзбекларда “Алломиш” достони борлигини билмайдиганлар ҳам бор. Балки, умрида китобни (бадиий) қўлига олмаган, факат бойлик деб юрганлар кўпdir. Бирдан хәёлига ўз миллатини ёмонлаб қўйгани ёдига тушдими, мезбонларга бокди. Аммо ~~гуларнинг~~ бари ўзи билан ўзи овора эканини сездими, мен томонга ўгирилди.

- Бироқ ҳаммани ҳам ёмон деб бўлмасди. Ахир ота ~~баболаримиз ал-~~ Бухорий, ал-Мотурудий, Улугбек, Машраб, Қодирию, Қодира~~лар~~ бўлишган. Улар қолдирган мероснинг ўзи ердан ойгача етади.

~~Шукур ака, -деди бирдан қирғиз дўстларимиздан бири. ҳаёл суриб ўтирган ёзувчига қараб, -мана бу укамиз ирчи, бир шеър эштайликми?~~

Шукур ака “майли” ~~дегандай бошини қимирлатди~~. У дастурхонда ётган ~~қўмисни~~ унинг қўлига тутди. Бизнинг ҳамроҳимиз Темур Нарзуллаев эса қўлига рубоб олди. Темур ака “Ленинизм” совхозининг курилиш ишларини бошқарар, анчагина санъаткор, мумтоз қўшиқларни яхши айтар эди. Яна бир ҳамроҳимиз совхоз агрономи, анчагина шеърлари туман ва вилоят газеталарида чол этилган Бузрук Саттий бўлиб, у Темур акага қараганда анча босик, шу билан бирга мулоҳазали, ўз касбини ҳам пухта эгаллаган киши эди. Ўн чоғли бошқа дўстлар ҳам оқинга термулиб қолишиди. У қўмисини созлади, кейин шундай тез ва шиддат билан чалдики, уни бир қарашибаёқ қўмис чалишнинг роса ~~хонасини~~ олган экан, дейишга асосимиз бор эди. У Шукур акага бокди, сал жилмайиб турган юз кўзларига бир сийра қарадида, ирини бошлаб юборди.

У аввалига кўмисни сайратди, кейин “Ай”, деган сўзни анча чўзди, кейин шеърини бошлади.

Шукур ака меҳмон бўлди,  
Ариқбўйи нурга тўлди.  
Аташминен ўйнаб кулди,  
Хуш кепсиздер, мемандарей,  
Ўзбек, қирғиз тувғандарей.  
Қўй сўямен, пайингизе,  
Камон бўлей ёйингизе,  
Сув бўлайнин сойингизе,  
Хуш кепсиздер, мемандарей!  
Ўзбек, қирғиз тувғандарей.  
Жунай Мавлон бистин шаир,  
Китеб жазди, бизга даир.  
Ҳарна ишга ўзи кадир,  
Ўзбек, қирғиз тувғандарей.  
Хуш кепсиздер, мемандарей!

Ир шундай давом этар, унда қирғиз билан ўзбек бир тувган эканлиги, улар бир отанинг болалари бўлиб, бир жойда катта бўлғанлги, кейин Манаас полвоннинг Фаргона водийси ва унинг кишилари, Семитей ва Сейтек ҳақидаги ҳикоя куйланди.

Қисқаси Шукур ака қирғиз ирчисининг бунчалик шиддат билан куйлашига маҳлиё термулиб қолди. Ирда учқур отлар мақтовига келганида гўё борлиқ отларнинг кишнаши-ю, туёқларининг дупурига тўлиб тошарди. Шукур ака ирчининг дам кўтарилиб, дам ўлтириб кўмис чалганда. Шукур ака ҳам ҳар томонга қимирлар, ҳатто ўрнидан туриб кеттудек бўларди.

Кечки пайт уйга қайтдик. Рости Шукур ака бутунлай бошқача одамга айланиб қолди. У ўз таассуротларини ким биландир ўртоқлашгиси, кўрганларини мароқ билан сўзлагиси келарди. Буни мен Темур ака Шукур акани Нанай дам олиш зонасига таклиф қилганда сездим. У Нанай тепасидаги “Кўксарой”га борганимизда узоқ-узоқларга чўзилиб кетган тоглару, зилол сувли анҳорларга термулиб қолди.

- Хе, - деди у ҳайрати ошиб, - сизларда ҳамма ирчи, ҳамма шоир бўлиши керак. Ҳўп, туманинглардан кимлар шоиру ёзувчи бўлиб етишган?

Мен Шукур аканинг бу саволига жавоб изладим. Ҳўш, кимлар бор ўзи? Робиддин Исҳоқ, Жўра Раҳим, Холмирза Юнус, Нурхон Набижонов, Қозоқжон Маҳмудов, Юсуф

Киргиз, Аълохон Фозиев, Абдурахмбон Насриддинов, Маҳмуджон Маъмуро... Шу номларни санадиму тұхтаб қолдим. Шукур ака бу шоирларни танимаганиданми, ўйга толди, кейин бошидан шляпасини олиб, бир зум туриб қолди.

-Ха, ҳар бир юртнинг ўз шоири ва ёзувчisi бўлиши керак. Шоирсиз юрт юртми? Ахир А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Михаил Шолохов деганда биз русларни, Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев деганда Кавказни, Самад Вургун деганда Азар халқини, Мирзо Турсунзода деганда тоҷикларни, Берди Кербобоев деганда туркманни, Чингиз Айтматов деганда қирғизларни...ҳе, дунёда қанчадан қанча шоири ёзувчilar бор. Ўз элининг тили, дили, хусни, ор-номуси, фахри. Ахир Алишер Навоий ёки Ойбек бўлмаганда ўзбекларни ким ҳам танирди. Бугун эса ўзбекларни Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Үлмас Умарбеков, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировлару Тоҳир Маликлар танитмоқда. Майдон эса катта, бу майдонда жавлон ураётган барча шоири ёзувчilar, олимларимиз катта ишлар қилимоқдалар.

Шукур ака шулар ҳақида мулоҳаза қиласарди. Шу билан бирга ҳар бир кўрган ва эшигтан нарсаларга ўз фикрларини билдиришига уринарди. Аммо у жуда камгап ва содда одам эди. Биринчи марта Тошкентда учрашганимда ўзимга ўзим, “жуда содда одам эканми?” деган саволни берган эдим. Кейинчалик эса Шукур аканинг жуда кўп қирраларини кашф қилдим. У одамнинг ички дунёси тоза, содда, билимли, меҳроқибатли, аммо ҳақни ҳақ дейишга одатланган, инсоний фазилати жуда юқори эди. Ўшанда унинг “Ленин учқуни” газетасида чоп этилган “Оқ отли” қиссаси ва унда тасвирланган қишлоқ болаларининг ҳаёти, “Тўлқинлар” қиссасидаги инсон тақдирни, “Ўн саккизга кирмаган ким бор?” асарида эса ўша давр ёшларининг ҳаёти ҳақидаги ишонарли тасвирлар, бадиий адабиётдаги ёзувчининг ўрни ҳақида сұхбатлар кетди.

Кейинчалик унинг “Олис юлдузлар остида”, “Оғир тош кўчса” китоблари чоп этилди. Энди у мақтаса арзигулик ёзувчига, Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, “хикоячиликнинг устаси”га айланган эди. Аммо ёзувчи дилида ҳали ёзилиши мумкин бўлган, режалаштирилган ва оз-моз қоралаб кўйилган асарлар ҳам кўп эди. Бу ҳақда у ўша “Кўксарой” дам олиш зонасида бўлган кичик учрашувдэ ҳам айтганди. Ҳатто ўша учрашувда “Бодом қишида гуллади”

китобиги кирган ҳикоялари ҳақида (берилган) саволларга жавоб бериш билан бирга, “бу ҳикояларга киргапа күпгина воқеалар қисса, ёки роман бўлиши ҳам мумкин”, деб айтганди.

Ўша “Кўксарой” дам олиш зонасидан қайтаётиб, Заркент қишлоғига ҳам кириб ўтдик. Бунинг боиси (ҳам) бор эди. Заркентлик дўстларимиз Қозоқжон ва Котибжон Маҳмудовларни зиёрат қилишга унадим. Шукур ака Заркент қишлоғининг “Тегирмон” чойхонасида ўтираркан, ҳар томондан айланаб оқаётган зилол сувлар, эътиборли ва меҳмондўст ўртоқлардан хурсанд бўлиб кетди. Қозоқжон ака бир неча йил НамДУда чет эл адабиёти фанидан дарс берганиданми, суҳбатимиз дунё адабиётига кўчди. Шукур ака бу борада ҳам анчагина билимга эга эканини кўрсатда. Гап орасида у бир роман ёзмоқчи эканини, унинг номи балки “Олабўжи” бўлиши мумкинлигин ҳам қистарди.

Кейин Қозоқжон ака фахр билан ўз қишлоғини, қишлоқ сойлари бўйига жойлашган дам олиш лагерларини, кейин энг севимли мактабини ҳам зиёрат қилдирди. Гап орасида бу бу мактабни Мирзаолим Иброҳимов, Эркин Ҳайитбоеv, Аҳмаджон Мелибоев, ҳатто, Турсунбой Адашбоевдеқ болалар шоири ҳам шу юртнинг фарзанди эканини қистариб ўтди. Шукур ака бу номларни эшигтагч, жонланди. Қозоқжон аканинг бир, икки бор қўлини қисиб қўйди.

Бу менга туртки бўлди. Эртасига мен ҳам қадими қишлоғим, Пешқўргонни унинг кўрки бўлган Балиқлиқўл ва Сутлибулоқ зиёратгоҳларини кўрсатдим. Шукур ака бу ўтган кунларидан хурсанд эди. Аммо бу меҳмондўст Пешқўргонликлар билан хайрлашиш они келғанини ҳам англаб етди. Бироз хомуш тортгандай бўлди, бироқ юрагидагини ташқарига чиқармади. Андижон - Тошкет поездига чиқаётганда эса мени маҳкам бағрига босди, кейин қандайдир мунг билан деди: “Оташ, раҳмат, бу ўтган уч кунимдан жуда розиман, сенга-ю, барча дўстларга раҳмат” деди-да, ичкарига юрди.

Мен ҳаётим давомида Шукур ака ижодини ўрганишга, унинг ҳар бир ёзган асарини синчиклаб ўқишга ҳаракат қилдим ва барча роман, қисса ва ҳикояларида ўша биз кўрган, гаплашган, қаламга олган одамларни кўрдим. Қисқаси, мен Шукур Холмирзаев жуда катта ёзувчи, имонли ва эътиқодли инсон, ўз халқининг суюкли фарзанди, меҳрибон ота деган фикрда событ қолдим.

## ЎНГОР ЛОЧИНЛАРИ



Баҳорнинг илк кунлари, Ўрик ва бодомгуллаган, қир ва адирларда баҳор элчиси лолакизгандеклар қийғос очилган кунлар эди. Қисқаси, олам уйғонган, деҳқон чоригини кийиб, далага отланган, қиши билан құраны бүшатмаган қүй-құзилар ҳам дала

сари йўл олган кунлар эди. Ҳали соат саккиз бўлмай Наманганга отландим. Бир соат ўтмай вилоят “Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази” биносига етиб бордим. “Марказ директори” деб ёзилган хона эшигини очганимда ўрта бўй, бўладан келган, қирқ ёшлар чамасидаги йигит қулоқ очиб кутиб олди.

Бу йигит поромонлик шоир Робиддин Исҳоқовнинг ўғли Баркамол Исҳоқов эди. У бундан уч ой олдин Тошкентда тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун номзодлик диссертациясини ёқлаган, куни кеча эса дипломи қўяга текканди. Табрикладим, марҳум Робиддин Исҳоқов, онаси хожиона Мамлакат Исҳоқова, тарих фанлари номзоди Баҳтиёр Исҳоқов, шоир Фарҳод Исҳоқов, сингиллари Маҳфузга, Ферузга, Сурайёларни сўрадим.

Ҳаёт шу. Умр эса оқар дарё. Кечагина баҳор бўлса, эртага ёз, куз, қиш келади. Аммо бу ўтган умр бефойда ўтса борми? Йўқ, ўз умрини фойдасиз ишларга сарфлаётган, эл-юрт учун қайишмаётганлар инсон эмас. Аммо улар оз, шунисига ҳам шукр. Рости, Робиддин Исҳоқов ва унинг оиласига, болаларига ҳавасим келади. Барчаси ўқимишли, диёнатли, имон ва эътиқодли, шу билан бирга обрў ва эътибор топишган. Бу жуда катта баҳт. Бундай улуғликни аввало, Аллоҳ ато этган бўлса, кейин Робиддин Исҳоқову барча оила аъзоларининг ахиллиги, интилиши, илмга чанқоқлиги деб биламан.

Аслида Робиддин Исҳоқов жуда билимга интиувчан, гайратли, тиришқоқ, одамохун, кунглида кири йўқ инсон эди. У билан илк бора танишганимдаёқ шуни сезган эдим. Ўшанда Фаргона Давлат педагогика институти йўлламаси ва Чорток туман халқ таълими бўлими мудири Раҳимжон Мехмоновнинг тавсияси билан Поромонган келиб қолгандим. Қишлоқдаги 38-мактаб директори Сотимбой Йўлдошев ётоқ қилиб берди. Кейин қишлоқнинг эл-юрт катта-кичигин билан танишдим. Мактабнинг ўқитувчилари эса жуда самимий кутиб олишди. Ўшанда Робиддин Исҳоқов Ҳазратишаҳ қишлоғидаги 19-ўрта мактаб директори эди. Бир кун мактабнинг таниқли ўқитувчилари Собиржон Эргашев, Сотимбой Валиев, Қурбонали Мавлонов, Фозибой Юсуфбеков, Муродилла Тиллабоев, Неъматжон Абдуллаевлар билан Робиддин Исҳоқов ~~ҳам~~ “Кулбаи Оташ”-га кириб келдилар. Дастурхон ёзилди. Қишлоқ, унинг донгдор кишилари, давлатимизда рўй берадиган воқеалар билан бирга адабиёт, шеъриятга ҳам кириб бордик. Робиддин ака ўзининг илк ижоди, шоир Эркин Воҳидов билан Миртемир хонадонида танишиб қолганинё, янги тўпламига унинг муҳаррирлик қилишга розилик бергани ҳақида сўзлай кетди. Кейин шеърхонлик бошланди. Рости, мутахассислиги турлича бўлган бу зиёлиларнинг бари шеъриятга ошно эканликларига қойил қолдим. Айниқса, Робиддин Исҳоқов ўзбек мұмтоз адабиётининг буюк вакиллари Алишер Навоий, (Лутфий, Муқимий, Фурқат, Нодира, Маҳзуна, Анбар отин, бугунги кун шоирларигача мароқ билан сузлади.

Шу учрашув баҳона биз ҳар куни кўришадиган, фақатгина шеърият эмас, адабиётнинг наср, драматургия, киносценарийлар масалалари бўйича суҳбатлашадиган, бир-биrimizga болаларга аталган шеърлармиздан ўқидиган, муҳокама қиладиган одат чиқардик. Кўз олдимда болалар катта бўлишди. Уларни худди ўз укаларимдек қўлларидан ушладим, баъзи кунлари қўлимга олиб, осмону фалакка кўтардим. Кейин яна Фарғонага қайтдим. Шундагина Робиддин Исҳоқовнинг Фарғонада ҳам жуда катта изи борлигини сездим. Олим Ҳасанали Рустамов поромонлик эканини, шоир Охуёнжон Ҳакимов, Олимжон Холдор, Йўлдош Сулаймон, Маҳмуджон Маъмуроев, Шукрулло Файзулло, Малика Мирзаева, Маҳмуд Абдуллаев, Иқбол Назаровлар Робиддин Исҳоқов билан бир сафда бўлганликларини, ҳатто бир неча бор Нуриддин

Бобохўжаев, Аълохон Фозиев, Одил Носиров ҳам шу Фаргона Давлат педагогика институтида таҳсил олганликларини ёдга олишиди.

Ушанда Соли Сагатов ректор эди. Мен адабиётчилар билан “Иқтидор” тўғарагига қатнашиб, домламиз К. Юсуповдан сабоқ олардик. Тўғаракка “Коммуна” газетасининг иқтидорли журналистлари ҳам таклиф этиларди. Бир сафар Адҳам Ҳамдамнинг “Ўзбек адабиётида сатира ва юмор” мавзусидаги маърузасини ҳам тинглагандик.

Биз Робиддин Исҳоқов билан узилишиб кетмадик. У қаерда бўйласин хат ёзишдик, ҳаётимизда бўлаётган воқеа ва ~~ходисалардан~~ хабар бериб турдик. Ўқишни битириб, ҳарбий хизматтага кетдим. Аввал Грозний шаҳрида сержантлар, кейин Новороссийск шаҳридаги юридик ҳарбий билим юртида ўқидим ва бир ярим йил ичida қирқ нафар сержантта кичик лейтенант ва “Юрист-дипкуръер” дипломи берилди. Жуда қизиқ, ўша диплом олган куним Робиддин акадан хат олдим. Хатда Поромон тинчлиги, дўст-биродарларнинг соғлиги билан бирга мен чин дилдан табриклаган эди. Нима билан табриклаган эди? Балки ўқишни битирганим биландир? Ҳа, у тушида шуни кўрган ва нима бўлганда ҳам табрик хати юборишга жазм/этганигини кейинчалик билдим.

Армиядан қайтиб, муҳтарам ~~домламиз Нурииддин~~ Бобохўжаевнинг таклифлари билан НамПИнинг ўзбек тили ва адабиёти факультетининг сиртқи бўлимнига ўқишига кирдим. Кирдиму кафедра файесида Робиддин Исҳоқовни учратиб қолдим.

- Уйга келувдим, -деди у қанотларини ёзиб-онанг Ханифаҳон опа Наманганда дедилар, бу ёққа учдим. Табриклайман. Нима бўлганда ҳам билим олиш керак. Тўғри қилибсан. Рус тилини билдинг, энди ўзбек тилини ҳам аъло дараҷада билиб қўйсанг ёмон бўлмайди. Ўша куни Пушкин парки, ҳозирги Бобур номидаги маданият ва истироҳат богида бир соатдан ортиқ сухбатлашдик, сўнг “Наманган ҳақиқати” таҳририятига ўтдик. Санжар Тилла, Ҳусниддин Шарипов, Салоҳ Қориевлар билан учрашдик.

Робиддин Исҳоқов қаерга бормасин, қайси хонадону ташкилот остонасини босмасин, гулдираб кирад ва ўша хонада момақалдирожнинг чақмоқли онлари хукм сурарди. У баланд овозда, ҳеч ғап беркитмай галирарди, ёмонни ёмон, яхшини

яхши дерди. Баъзан одамларнинг пинҳона иш қилишларидан хуноби ошарди. Уларга атаб ёзган шеърларини ўқиб берар, “афсуски, бу шеърларни босишмайди, фақат сизларга ўқиб беришим мумкин”, деб қўярди.

1971 йилда Янгиқўргон ва Чорток туманлари бирлашган, туманнинг “Меҳнат байроби” газетаси эса Чортоқда чоп этиларди. Ўша йиллари Нарзулла Йўлдошев муҳаррир, Шамсиддин Иномов масъул котиб, қишлоқ хўжалиги бўлимини Собир Турғун, партия турмуши бўлимини Юсуфжон Қирғизов бошқарарди, мен эса адабиёт ва санъат бўлимига ишга ўтдим. Ўша куни ёк хонамга Робиддин Исҳоқов оловдек ёниб кириб келди ва мени бағрига босиб, табриклиди. Хонада доимо чой қайнаб туарди. Бир зум ўтмай Собир Турғун, Аминжон Аббос кириб келишди. Чой устида ижод ҳақида суҳбат кетди. Робиддин ака газетада чоп этилаётган Боқий Мирзо, Носир Дехқон, Дилбар Ҳайдарова, Тўра Мирзога берилган саҳифалар ҳақида суюниб гапирди.

Кейинчалик яна Пешқўргон қишлоғидаги 22- ўрта мактабга илмий бўлим мудири бўлиб ишга ўтдим. Кўп ўтмай мени 25- ўрта мактабга директор лавозимига ўтказишиди. Робиддин Исҳоқов 25-мактабга ҳам келди. То кечгача мактабда гаплашиб ўтиридик. Имкониятдан фойдаланиб, шоир билан кичик учрашув ҳам ўтказдим. Мактабнинг адабиёт фани ўқитувчиси Қаноат Меҳмонов, бошлангич синф илмий бўлим мудири Исмонжон Юсуфбоевлар Робиддин Исҳоқов ҳақида илиқ сўзлар айтишди.

Ҳаёт ўзи мактаб. Тўғри, пешонага ёзилганини кўрасан днейилгану, кўп нарса ўзимизга ҳам боғлиқ. Мен ўша йиллари Ўзбекистон-фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Малик Муродов раҳбарлигида “Фаргона халқ достончилиги” (Фаргона халқ достончилари репертуарида “Гўрўғли достонининг тутган ўрни”) мавзусида илмий иш олгандим. Шунгами, Тошкентга жуда кўп бораардим. Болалар шоирлари Турсунбой Адашбоев, Сафар Барноев, Рауф Толиб, Султон Жаббор, Анвар Ҳожи, катталар шоирлари Рауф Парфи, Нормурод Нарзуллаев, Хуршид Даврон, ёзувчилардан Худойберди Тўхтабоев, Ҳожиакбар Шайхов, Шукур Холмирзаевлар билан яқин дўст эдим. Уларни кўпроқ қишлоққа таклиф этардим. Шоир ва ёзувчилару Навоий номидаги адабиёт музейи, Ҳамид Сулаймон номли кўлёзмалар институти олимлари Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов, Ё. Жўраев, К. Имомов,

Сиддиқ Асқар, Т.Зуфаров каби олимлар ҳам Робиддин Исҳоқов билан дўст эдилар.

Бир сафар Сафар Барноев бошчилигидаги “Гулхан”, “Гунча” журналлари ва “Ёш гвардия”, “Камалак” нашриётлари ходимларидан иборат бир гуруҳ шоир ва ноширлар қишлоғимизга ташриф буюришди. Ўша қуниёқ мактабда жуда катта учрашув бўлди. Эртасига эса Робиддин Исҳоқов уйига йўл олдик. Энгизиги, Робиддин аканинг уйи Ўнгор тогининг шундок поромонида жойлашган бўлиб, кўк ўпган тоф шундоккина уйининг тепасида эди. Сафар Барноев ҳазил-мутёйибага анча уста, ҳар гапида бир қизиқ сўз айтиб, одамларни кулдиришига мойил одам эди.

- Э, шоир бу нега қанотингизни ёзиб юрасиз десам, тогингиз бор эканда. Ҳу чўқисига ҳеч чиққанмисиз? - деди кулиб.

- Албатта, тоф ўзимники бўлгандан кейин...

- Ҳа, яшанг, - деди Сафар Барноев яна кулиб, унинг гапини оғиздан олар экан,- демак сиз қўнган ерга биз ҳам қўнсан бўлар. Ҳарқалай, Бухорода бунақа тоф сал биздан узоқроқда. Бир ўзимизни синаб кўрсан. Робиддин ака рози бўлди. Овқатдан сўнг тоққа чиқиш қилдик. Орамизда Пешқўргон қишлоқ касалхонасининг бош врачи Жунайдулла Убайдуллаев, “Ленинизм” совхозининг қурилиш бўйича директор ўрибосари Темирхўжа Нарзуллаев, совхоз овқатланиш бўлимиси болиги Шарифхўжа Баҳодировлар ҳам бор эди. Тоққа кўтарилдик. Ўнгорнинг қил учига етганда эса олам кафтдек кўрина бошлади.

- Ё худойимей, -деди Сафар ака, -бу дунё бунча гўзал-а? Шоир уйингизни қаранг, нақ кушнинг уясику!

Робиддин ака кулди. Бир зум-тогнинг тепасида ўлтиридик, кейин пастга томон юрдик. Аммо пастга тушиб анчагина кўрқинчли эканини сездим. Бироқ сир бой бериб бўлмас эди. Роза бир соат деганда пастга тушиб олдик. Аммо қийинчиликни бирор киши сездирмади. Уйга қайтиб дастурхонга ўлтирганимизда тоф ҳақида шеър битиш мусобақаси ўtkазилди. Ҳамма ўзича шеър битди. Шулар қаторида мен ҳам болаларга аталган “Тоққа чиққан болалар” Аммо шеър битдим. Кейин даврада шеърхонлик бошланди. Аммо Сафар аканинг бироз ранги оқарди, кейин бирор ери оғриётгандай юзи буришди.

- Нима бўлди? -деди врач Жунайдулла Убайдуллаев шошиб у томон ўтаркан.

- Ҳеч кимга айтманг, оёғимни тошга уриб олдим, -деди шивирлаб.

Кейинчалик 25- ўрта мактабда, 115-мактаб-интернатга директор бўлган йилларим ҳам Робиддин ака билан жуда инок дўст бўлдик. Бир кун мактабга хомуш кириб келди. Ўрнимдан туриб унга пешвоз чиқдим.

- Нима бўлди? -дедим унинг қўлини олиб.

- Қаранг, шунча йил мактаб директори, ўқитувчи бўлиб ишладим, болаларни ўқитаверибману, уларни ишга жойлашни ўйламабман, Баҳтиёр ва Маҳфузани ишга жойлайсан, -деди креслога чўкаркан.

- Ҳа, шунгаям ота гўри қозихонами, иш топилади,- дедим кулиб.

- Ростми? -деди Робиддин ака бир қўзгалиб.

- Албатта.

- Э, отангга балли, Поромондек қишлоқда тўққиз соат дарс топилмади. Ё менинг қадрим шунчалик эканми?- деди Робиддин ака хомуш тортиб.

Мен унинг ёнига ўтдим, диванга чўкиб, синиқ қўзларига термулдим.

- Бундай ўйга борманг, балки дарс бўлмагандир. Мана мен бир ставкадан икки ставка дарс қилиб бераман, -дедим унга далда бўлгандай. У менга термулди, кейин қўлимдан тутди.

- Дўст бўлса шундай бўлиши керак. Сенга авваллари-ю, ҳозир ҳам қойилман. Раҳмат, демак иш бор-а?

- Балки бордир, балки йўқдир. Аммо дарсни қандай бўлса ҳам топаман, -дедим мен Эртасигаёқ Маҳфузा-ю, Баҳтиёрни ишга жойладик, ётиб, туриши учун уй ҳам топдик. Шундай қилиб шоирнинг икки фарзанди ўз фаолиятини бизда бошлади. Оз фуреат ўтмай, Баҳтиёрни аввал партияга ўтказдик, кейин Наманган ~~Давлат~~ педагогика институтига ўқитувчиликка бериб юбордик. Кўп ўтмай у Қозон ~~Давлат~~ университети аспирантурасига кирди, ҳатто номзодлик диссертациясини ҳам ўша ерда ёқлади. Бу жуда катта баҳт эди.

Робиддин Исҳоқов ўша ҳимоядан сўнг янги олган “Москвич” мосинасини миниб уйга кириб келди.

- Оташ, -деди ташқариданоқ Робиддин ака, бормисан?

- Ҳа, келинг, -дедим уйдан ташқарига чиқарканман,- эшлишишмма машина олибсиз, Баҳтиёр кандидат бўлди, кўшалоқ байрамни нишонлагани келяпсиз дейман, -дедим кулиб. Робиддин ака мен томон юрди, қўлида кўтариб олган каттагина тарвузни узатиб, бағрига босди.

-Бу қувончларимда сенинг ҳам ҳиссанг бор -деди елкамга қоқаркан. Сүнг ичкаридан чиққан аёлим Муборакхон сари юзланди. О, келин сиз борсиз Оташ бор, менда Мамлакат бор, ҳа, ҳақиқий мамлакат. Аёл дегани ватан дегандек гап. Уларни ардоқлаш, ватан каби муқаддас күриш керак. Аёлсиз ҳаёт ҳаёт эмас. Унинг қадри тиллодан ҳам азиз. Робиддин акага қўйиб берса яна нималарнидир айтмоқчи эди-ю, мен гапни бўлдим.

- Ака, бу аёлларни кўп мақтаманг, эртага мен олтин эканман деб бизни бир пулга олмай қўйса..

- Қўйсангчи, бизнинг хотинлар унақалардан эмас,- деди Робиддин ака яна овозини баландлатиб. У шунаقا баланд овозда сўзларди овози бутун Пешқўргонда жаранглаётгандай эди. Мен асли шундай одамни яхши кўрардим.

Кейин Қори-Ниёзий номидаги 115- мактаб-интернатга директор бўлган йилларим Робиддин ака билан янада яқинлашдик. Кўлбуқон достончилик мактабини тадқиқ этиш, уніда ҳаёт бўлган Ҳайдар Бойча ўғли, Алим шоир Ниёз ўғди. Рассоқ бахши Қозоқбой ўғли, Ҳожиакбар Кўчимов, Абдулла бахши, Мамасодиқ ва Омон бахши, Дурумбой бахши каби ўнлаб достончилардан асарлар ёзиб олдик. Уларни архивлаштиришда фаол қатнашдик. Робиддин ака эса Мансур Афзалов раҳбарлигига илмий иш ҳам бошлаб юборди.

У Тошкентда танилган шоир эди. Энди изланувчи сифатида олимлар даврасига ҳам қўшилди. Унинг Эркин Воҳидов муҳаррирлигига “Қўшиқ йўлдош юрган йўлимда” номли китоби чоп этилди, кейинчалик “Ғунчалар қўшиғи”, “Ойга ремонт тушармиш” каби китоблари чоп этилди. Айниқса, Ўшлиқ қўшиқчи Толибжон Бадинов томонидан “Қирғиз қизига” қўшиғи Қирғизистону Ўзбекистонда жаранглай бошлагач, руҳан жуда тетиклашди. Унинг юришлари-ю, туришлари, шеър ўқиши-ю, гап сўзларида ҳам ўзгариш бор эди.

Бир кун мактаб-интернатга, учрашувга таклиф этдим. Робиддин ақадан ташқари ҳам бир гурӯҳ шоирлар тақлиф этияганди. Робиддин ака кўтаринки руҳда бу кечани бошқарди. Ўзи ҳам бир неча шеърларини ўқиб берди. Назаримда барча шеърларида ҳаёт, одамийлиги болаларга хос ўйноқилик бор эди.



жуда оз. Аммо, Маҳмуджон Маъмуроғ ҳақиқий дўст эди. У билан охирги марта уй мезейида учрашган эдик. Шинамгина хона. Ойнавандли шкафларга сиёсий, илмий ва бадиий китоблар, 1950 йилдан буёғидаги “Шарқ юлдузи”, “Гулистон”, “Ёшлик” каби журналларнинг таҳламлари дид билан териб қўйилган. Газета таҳламларининг эса саноги йўқ. Маҳмуджон аканинг ўзи ёзган назмий ва илмий китоблари, газета ва журналларда чоп этилган мақолалари ҳам шу хонадан жой олган. Лўнда қилиб айтганда музей беш бўлимдан иборат бўлиб, у узоқ йиллик тарих, Маҳмуджон аканинг ўтмишидан сўзларди.

Маҳмуджон Маъмуроғ етук журналист, олим ва шоир, фаол жамоатчи раҳбар эди. Буни бугун яқин шогирлари, ҳамкаслари дилдан айтишмоқда. Уни ҳаёт йўли эса бир қараашда жуда оддийдек. У 1934 йилда Чортоқ туман Короскон қишлоғида таваллуд топди. Ота-онаси ning бағрида ўси, улғайди. Кейин 1951 йилда Ойқирон қишлоғидаги 8-ўрта мактабда илк сабоқ олди. 1951-1955 йилларда эса Фарғона Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти<sup>(фани)</sup> қўллиётидаги ўқиди. 1955-59 йиллар Короскон қишлоғидаги 3-ўрта мактабда ўқитувчи, 1961-1970 йилларда 67-ўрта мактабда директор лавозимида фаолият кўрсатди. 1970-1972 йилларда эса у Тошкент Давлат педагогика институтининг аспирантурасида ўқиди. Сўнг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Натан Мурадович Маллаев раҳбарлигига “30-йиллар ўзбек поззиясида фольклор анъаналари” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

1974-1982 йиллар давомида у Янгиқўргон тумани “Меҳнат байроби”, 1982-1988 йилларда эса Чортоқ тумани “Чортоқ ҳақиқати” газеталарида муҳаррирлик қилди. М. Маъмуроев 1988 йилдан Намангандаги Давлат университетининг доценти сифатида фаолият олиб борди.

Ҳамон ёдимда бир сұхбатимизда, “Мен маорифчиман десам, ўн беш йил газета муҳаррири бўлдим. Ҳарқалай Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси деган ҳужжатим бор. Тўлақонли журналистман десам, кейинги йилларда университет ўқитувчи сифатида яна муаллимлик қилимокдаман. Яна бир томони мактаб партасидан шеърлар ёздим. Ёзганларимнинг кўпи инсон тарбияси, ахлоқ ва одоб доирасида бўлди” деган эди. Демак, Маҳмуджон Маъмуроев инсон дилининг кўзгуси - тарбиячи эди. Унга аниқ ташҳис қўядиган бўлсак, фаол маорифчи, таниқли журналист, билимдон олим, шоир, эл орасида зиё тарқатувчи инсон эди. Зоро, у иш фаолиятини ҳам оддий ўқитувчиликдан бошлаган. Ўша даврнинг таниқли педагоглари Собитхон Отабоев, Аҳмаджон Юнусов, Сотиболди Исмоилов, Азиз Саламов, Ҳайрихон Исомова, Қодир Усмонов, Бойдеда Пўлатов каби устозлар билан ишлади. Улар тажрибасини ўрганди, кези келганда уларга ўз тажрибаларини ўргатди ҳам.

Маҳмуджон Маъмуроев ўз меҳнати, таланти, одамийлиги, меҳр-оқибати билан Янгиқўргон туманининг машҳур кишиисига айланди. Адабиёт фанининг билимдони сифатида эса педагогик ўқишлиар, ўқитувчи танловларида фаол иштирок этди. Жуда кўп марта шоир ва ёзувчилар, таниқли журналистлар, ўз ишининг усталари билан учрашув кечалари ўtkазди. Ёш ва тажрибали ўқитувчилар иштирокида ўтказилган очиқ дарслари барчага манзур бўлди. Кейинчалик Янгиқўргон туман ҳалқ таълими бўлими мудири Раҳимжон Мехмонов таклифига кўра Короскондаги Зўрта мактабга директор этиб тайинланди.

Энди у мактаб раҳбари сифатида 500дан ортиқ ўқувчи ва ўттиздан ортиқ ўқитувчининг устози эди. Бу иш Маҳмуджон Маъмуроевни очилмаган қирраларини кашф этди. Бу борада устозлари Константин Юдахин, Гани Абдураҳмонов, Ҳасанали

Рустамов, Акром Иброҳимовлардан олган билимлари қўл келди, фан сирларини очишга қўмаклашди. Уни мактабда янгиликлар яратишга, ўқитишнинг янги-янги методларини кашф қилишга имкон берди. Айниқса, ижодкор ўқитувчиларни қўллаб-кувватлади, уларни методик қўлламалар ёзишга қўмаклашди. Натижада, мактабнинг ўндан ортиқ ўқитувчилари янгича дарс ўтиш усуллари, синфдан ташқари ишлар методикаси бўйича мақолалар ва педагогик маъruzаларни тайёрладилар.

У шеърият ошноси эди. Шу боис ҳам у уйқусиз тунлар эвазига шеърий сатрлар битди. Пухта ва пишиқ асарлари вақтли матбуотда сурункали босилиб турди. Қадрдон дўстлари Одилжон Носиров, Малик Муродов, Жўра Раҳим, Робиддин Исҳоқ, Собир Турғун, Аълохон Гозиевлар билан ҳамоҳанг ижод қилди. Айтиш мумкинки, газета ўз навбатида шеър, мақола ёзишининг бир минбарига айланди. Натижада, Маҳмуджон Маъмуроев таниқли шоирга айланди. Шоир “Дардим дафтари” китобини умр йўлдоши, моҳир педагог Турсуной Нұймоновага бағишилади. Бунинг боиси бор эди, албатта. Чунки эллилк йилдан ортиқ бирга яшаган, ғамхонаси, ёстиқдоши Турсуной опанинг вафоти Маҳмуджон акага жуда қаттиқ таъсир қилди. Бир неча кун, ҳатто ойлаб унинг изтироби билан яшади. Натижада “Қабр ёнидаги сўз” номли эссе битди. Унда шоир ўз изтироблари, дардлари қарашлари, соғ муҳаббати, аёлига, инсонга бўлган меҳр-оқибати акс этди. Асар шунчалик таъсирчан ёзилганки, беихтиёр ўқувчини ўз дардлари билан ошно қиласди.

Кўриниб турибди умр қирғоги,  
Ахир чексиз эмас ёшим саноги.  
Аввал менга ёнса, ”яшил чироги”,  
Дунёдан кетишим хазонмас сенсиз,

Бу билан шоир дунёдаги энг қадрли кишини ортида қолишини истайди. Бу унинг Турсуной опага бўлган муҳаббати эди. У ўз изтиробларини янада давом эттиради.

Ишда бўлсам зориқиб кутдинг,  
Гар келмасам қон-зардоб ютдинг.  
Бу жаҳондан сен эрта кетдинг  
Мен гарибни согинмадингми?

Яна бир шеърида эса шоир жажоқи набираси ва унинг момосига атаб “Қуръон” тиловатига бағишилади.

Ўқигандада Зарнигор Қуръон,

Еғаётган кумуш қор тинди.  
Хаво илиб, ҳарир муз синди,  
Киприкларга ёшимиз инди,  
Үқиганда Зарнигор Қуръон.

Албатта, ҳар қандай китоб ўқувчи қўлига етгач, ундаги барча изтиробларни ўзиникидай қабул қиласи. Борди-ю, ўқувчига ёқса, у қўлма-қўл бўлади. Бу борада машҳур шоир Хенрих Хейне ўз шеърларидан бирида шундай сатрларни битган эди.

Ҳамма эснаб турди, қулоқ солмади,  
Қайгуимни гапириб берган вақтимда.  
Мени алқамаган киши қолмади,  
Қайгуимни назмга солган вақтимда.

Ҳа, Ҳайнे ҳақ эди. Маҳмуджон Маъмуронинг ушбу китоби ҳам ўқувчи қалбидан қайгу, изтироб рамзи сифатида жой олди. “Онамнинг кўз ёшлари” китоби эса меҳрибон ва муnis она Ўқтамхон Шожалил қизига бағишлиланади. Зеро, Ҳадису шарифда айтилганидек, уч бора онангга яхшилик қил, деган хикматнинг кўриниши шу асарда мужассам десамҳато бўлмас. Чиндан ҳам фарзандни дунёга келтириб, тарбиялаган, меҳр берган, тунларни бедор ўтказган онани куйламай бўладими? Асло. Буни теран англаган шоир “Она нидоси”, “Нола”, “Қаҳрамон”, “Президент кутлови” каби ўнлаб шеърларида меҳр-оқибат, камтарлик одамийлик, она юртга бўлган самимият тараннум этилади.

Мардлар маконидир, сен туғилган юрт,  
Пахтамиз илмига бешик Короскон.  
“Мехнат қаҳрамони” Ортиқов учун,  
Муносиб вориссан миришкор дэхқон.

Ушбу шеър “Ўзбекистон қаҳрамони”, машҳур пахтакор Абдували Абдураҳимовга бағишиланган. Йигирмадан ортиқ олимлар, меҳнат қаҳрамонлари юрти Короскон ва унинг меҳнаткаш халқи бу шеърда самимий таъриф этилади.

Ахир айтадиларку, ўз халқи ва юртини элга танитмаган шоир шоир эмас. Шу маънода Маҳмуджон Маъмурон ватанпарвар шоир эди.

Ишталабадик йиллари, гўзал Фарғона қучогида ўтади.  
Олийгоҳда ташкил этилган тўгаракда иштирок этган дўстлари.  
Нуриддин Бобохўжаев, Ҳамид Нурий, Олимжон Холдор,  
Холдорали Қуронбоев, Охунжон Ҳакимов, Санобар Ҳасанова

Шукрулло Файзулло, Йўлдош Сулаймон Аълохон Гозиев, Робиддин Исҳоқ кабилар адабиётга дадил кириб келди. Бугина эмас, жуда кўп илмий мақолалари билан ҳам илм аҳли ва ўқувчилар ўртасида жуда таникли инсонга айланди. Унда идм аҳлига хос салоҳият, билимдонлик жуда кучли эди. У дўстни дўст биларди. Буни мен Поромонлик шоир Робиддин Исҳоқовнинг 70 йиллик юблейи ўтказилаётган кунларда юракдан ҳис қилдим. Сабаби биз Робиддин Исҳоқов, Маҳмуджон Маъмуро<sup>в</sup> ва мен бир-биримизни жуда хурмат қилардик, ҳатто борди - келдимиз ҳам бор эди.

Юбилей тантанасига аёли Турсунхон опани ҳам олиб келганди. Мен ҳам аёлим Муборақхонни бошлаб чиқдим. Қисқаси, Робиддин Исҳоқовнинг аёли Мамлакат ҳожи она билан дўст бўлишиди. Бизнинг иноқлигимиз аёлларимизга ҳам кўчди. Шунда у “Мана аёлларимиз ҳам топишли, демак дўстлигимиз абадий бўлади”, деган эди. У ўша куни майин ва ширали овоз билан шоир ҳаёти ва ижодига оид маъруза қилди. Барчани йиглатди, керак бўлса Фаргона, Тошкентда тўқилган латифалари билан кулдирди ҳам. Робиддин Исҳоқов хонадони, унинг ҳам уйи, фарзандлари Баҳтиёр, Баркамол, Фарҳод Маҳфузга, Феруза, Сурайёларга бўлган ширин-шакар лутфи мени аллақандай гўзал оламга олиб кирган эди. У аёллар даврасида шоирнинг аёли Мамлакат опага берган далдалари ва шукроналари фозил инсонга хос, миллий одатларимиздан эди.

Олим сифатида унинг жуда кўп маърузаларини тинглаганман. Одилжон Носиров, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирларга бағишлаб ўтказилган кечаларда сўзлаган илмий маърузалари фақат Маҳмуджон Маъмуро<sup>в</sup>га хос эди. Шоир Наманган Давлат педагогика институти адабиёт кафедрасининг мудири бўлиб ишлаган йиллари мени ҳам олийгоҳда ишлашга таклиф қилди. Беш йил сиртқи ва кундизги бўлимларда болалар адабиёти ва фольклор, адабиёт тарихидан дарс бердим. У дарсларимга кирап, ўзининг маслаҳатлари билан ўртоқлашар, яхши дарслардан қувониб, “Сиз айрим олимларимиздан яхшироқ дарс бердингиз” – дея мақтаб ҳам қўярди.

Маҳмуджон Маъмуро<sup>в</sup> мұҳаррирлик қилган даврда “Меҳнат байроби” ва “Чортоқ ҳақиқати” жамоасида бирлик, аҳиллик, одамийлик, қадр-қиммат ҳукм сурди. Рустам Уммат, Боқий Мирзо, Мұхаммаджон Тожиддинов, Одилжон Иномов,

Маҳмуджон Парпиев, Содик Дамин, Дилбар Ҳайдарова Абдулла Аҳмедов ва жамоатчи мұхбирлар Носир Декон, Манзура Отакүзиева, Баҳодир Омонов, ~~Бекіт Мирзо~~ Аҳмаджон Адашев каби ўnlab ёшларга мураббийлик қилди. Уларнинг кўплари газеталарга муҳаррир бўлганларида эса менинг шогирдларим, ~~дэя~~ кувониб юрди. Шу билан бирга ижодкорларнинг барини тинмай ижод қилишга унади. Ўзи ҳам жуда кўп мақолалар ёзарди. Унинг “Шароф Рашидов - ўзбек адабиётининг атоқли адаби”, “Наманганда Абдулло чироги”, “Чортоқ паҳтаси”, “Деконнинг қаноти” каби ўnlab мақолалари ўз даврида жуда катта шов-шувларга сабаб бўлганди. Бу, ўз навбатида, Маҳмуджон Маъмуроннинг етук журналистлигидан далолат эди.

У ўзбек халқ оғзаки ижодини ҳам чуқур ўзлаштирган ва ижодкорлар билан мулоқотда бўлган олим эди. Шу мавзудатадиқиот ишлари олиб борган ~~Ходи Зариф~~, Мансур Афзалов, Малик Муродов, Тўра Мирзаев, Баҳодир Саримсоқов, Муҳаммаднодир Saidov, Тоҷибӣ Гозибоев, ~~Хошимжон Рассоқов~~, Тўхтамурод Зуфаров, Комилjon Имомов, Абдиолим Эргашев, Ёкубжон Жўраев, Охунжон Собиров каби олимлар тўплаган ҳазиналарини ҳам кўриб чиқди. Биргина “Гўрўғли” туркумига кирган қирқ достоннинг ёзиб олинган вариантиларига назар ташлади. Ҳар йили ~~Олийгоҳ~~ талabalari билан уч-тўрт кунлик халқ оғзаки ижодини урганиш кунлари ўтказарди. Талabalарга ижодкорлардан халқ қўшиклари, мақол ва маталлар, болалар фользори, достонларни ёзиб олиш ва тадқиқ этиш методларини ўргатарди.

У кафедра мудири сифатида ўз талabalariга Наманган адабий мухити, унда ижод қилаётган Ҳабиб Сайдулла, Эрмамат Нурматов, Зиёвиддин Мансур, Ёкубжон Аҳмаджонов, Оташ Холмирзаев, ~~Бекіт Мирзо~~, Робиддин Исҳоқов, Рассоқ баҳши Қозоқбой ўғли, Ҳайдар Бойча ўғли каби ижодкорлар ҳақида рефератлар ёздирадар, китоб ҳолига келтириб архивга оларди. Шу ва бошқа меҳнатлари эвазига у жуда хурматли ва ардоқли эди. Зеро, унинг оиласи ҳам туманимиз эмас, вилоятимизда ҳам таниқли эди. Унинг тўнғич акаси Аҳмаджон aka ўқитувчи, Турсунбой aka фан доктори, профессор, Тўлқинбой ўқитувчи, Одилжон қўли енгил врач. Унинг беш қиз ва бир ўғли бор. Уларнинг бари олий маълумотли. Ўн етти нафар невара, икки ~~эвараннинг~~ бобоси эди.

Ҳа, таниқли инсон, шоир, олим, жамоатчи раҳбар Маҳмуджон Маъмуроғ қолдирған мерос таҳсинга лойиқ. У ҳар гапида менинг икки қанотим бор, бири ижодим бўлса, иккинчиси ўқитувчилик, дерди. Шу боис ҳам у қаерга парвоз қилмасин, албатта манзилга етарди. Бугун эса Маҳмуджон Маъмуроғ орамизда йўқ. Аммо, ундан аллақанча қораламалар қолди. У боқий дунёга парвоз этди. У дунёси обод, бўлсин!

### ЎРТА МАКТАБДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва уни ўрганиш жараёни, достончилик мактаблари ва бу мактабларда ижод қилган достончи, эртакчи, лапарчилар, ҳамда мақол, матал, болалар фольклорини ёзиб олиш ва ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишлар барчани қизиқтириши аниқ. Ўрта мактабнинг барча синфларида, ҳатто бошлангич синфларда ҳам ўзбек халқ оғзаки ижодининг барча турларидан намуналар берилган. Бунинг боиси бор, албатта. Инсон пайдо бўлган кундан сухбатга, бирор масала бўйича мулоқотга, керак бўлса, бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни бир-бирларига айтиб беришга эҳтиёж сезганлар. Бу эса кейинчалик халқ оғзаки ижодига айланган. Зоро, бусиз инсон тарбияси йўлида катта ишлар қилиб бўлмасди

Тарбия учун эса жуда катта манбаа бўлиши керак эди. Шу боис ҳам у нимагадир, кимгадир сигиниши, шу қудратли куч орқали инсонларни яхшиликка ундаши керак эди. Бу йўлда халқ достонлари, унда кўтарилиган масалалар, воқеалар, ватанини, элни ҳимоя қилиш, мардлик ва жасорат мавзуси ётарди. Бу достонлар эса давраларда тингланар, кўп кишилар унинг таъсирида камол топардилар.

Ёзма адабиёт пайдо бўлгач, бу асарларнинг бари китобат қилинди ва кўплаб нусхада халқ қўлига бориб етди. Бугина эмас, энди мактаб партасида ўтирган ёшлар ҳам халқ оғзаки ижоди материалларидан баҳраманд бўлдилар. Мактаб дастурлари ва дарсликларига эса жуда кўп достонлардан парчалар, мақоллар, эртаклар, қўшиқлар, тез айтиш ёки болалар фолклори ва бошقا асарларидан намуналар берилди. Ўқитувчи эса дарсда болаларга халқ оғзаки ижоди намуналаридан ўқиш ва ўрганишни тавсия қилдилар, албатта.

Бу биргина ўзбек эмас, барча халқлар адабиётида ҳам бор. Натижада, чуқур фалсафий, қуйма жумла ва донолик

ва мардликка чорловчи асарлардан, ота-боболаримизнинг бой меросидан барча баҳраманд бўлди. Жуда кўп ҳолларда кеча ва бугун яшаётган достончи, қўшиқчи, эртакчилар билан бевосита мулоқотда бўлиш, улардан барча ҳалқ оғзаки ижоди материалларини ёзиб олиш масалалари бўйича ҳам катта ишлар қилинди.

Ушбу мақоланинг мақсади ҳам ўқувчиларни бой ва туганнисиз хазинамиз билан танишириш ва ўқувчилар онгига ҳалқимиз яратган ахлоқ ва одоб нормалари билан қуролланган асарлар билан таниширишdir. Буғунги ўқувчи Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Навоий номидаги адабиёт институти ва А.Навоий номли Адабиёт музейи, Ҳамид Сулаймон номидаги қўлэзмалар ва шарқшунослик институтлари қўлэзмалари билан таниширишдан иборатdir. Бу бойлик эса ҳалқимиз, ёшларимиз тарбиясида қўл келиши аниқ. Зеро, мустақиллик туфайли қадим урф-одатлармиз, диний ва дунёвий тарбияга асосланган Ҳикмат ва Ҳадисларимиз, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ва бошқа олим, алломалар асарларига ҳам эътибор кучайди. Бу ўз ҳалқимиз тарихини, Амир Темурдек буюк давлатчилик ҳукмдорини ҳам яхшироқ англаш имкониятига эга бўлдик.

Ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди эса буғунги ёзма адабиётимизнинг ҳам онаси, ҳам отаси, керак бўлса ака-укаси-ю, амма-холаси эканлиги ҳам аён. Шу боис ҳам у мактаб, коллеж, олийгоҳ талабасими, олим ва аспирантми, ким бўлишидан қатъий назар ҳалқ оғзаки ижоди бўйича маълумотга эга бўлиши шарт бўлиб қолди. Бироқ, бу борада олиб борилаётган ва ўқитишдаги ишларимиз биз кутгандек эмас. Болаларимиз ҳали ҳалқ оғзаки ижоди материалларини чуқур ва пухта ўзлаштиргмаганлар. Ҳатто, олийгоҳларни битирган ўқитувчилар ҳам етарли билимга эга эмаслар.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, аввало ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди асосан, Фаргона ҳалқ оғзаки ижоди тарихи, тўплангандек бой материаллар, достончилар, олимлар олиб борган тадқиқотларни тўла таҳлил қилиш билан бирга, ҳалқ оғзаки ижоди материалларини мактабда ўтиш методикасига ҳам тўхтамоқчимиз Бу, ўз навбатида, ўқитувчи ва ўқувчилар учун фойдадан холи эмас.

Фаргона водийси, жумладан, Норин дарёси ирмоқларида жойлашган Қайрағоч қишлоғи яқинида “Ашель” даврига оид (Ашель-учинчи даврнинг охирида ҳайвонсифат жонзотларнинг

одамга айланиш ёки тош даври, 1 миллион 100 мингинчи йиллар).  
Бу давр одамлари табиатнинг доимий ўзгаришларига қарамай,  
яаш учун курашганлар. Оловни сақлаб қўйишни, уни ишқалаш  
орқали ўт-олов ҳосил қилишни ўргангандар. Натижада, одамлар  
олов ва оловга бўлган мұхаббат ҳақидаги даҳшатли воқеалар  
ҳақида эртаклар тўқиганлар.

Бироқ, бу эртаклар ва ўша давр қўшиқлари бизгача етиб  
келмаган, аммо кеча ва бугун айтилаётган халқ қўшиқлари  
ўша давр қўшиқ ёки эртакларининг мағзи дейишга асосимиз  
бор. Зеро, бизга маълум бўлган ёзма адабиёт намуналари X-  
XI асрларда яратилгандир. Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадгу  
билиг”, Маҳмуд Қошгарийнинг “Девони лугатит турк”  
асарларида халқ оғзаки ижоди намуналари, айниқса мақол,  
қўшиқ ва эртак жанрига оид асарлар берилган.

**Меҳмон келса ўтқазғил,  
Хордиқ олиб тинч бўлсин.  
Оти ҳам ёруғликда,  
Арпа, сомонга тўйсин.**

Бундан кўриниб турибдикি, Маҳмуд Қошгарийгacha бўлган  
даврда ҳам халқ оғзаки ижоди барқ урган. Айниқса, Ўрта  
Осиёning сувга бой ва жаннатмакон Фарғона водийсида халқ  
оғзаки ижоди жуда ривожланган. Бу бобокалон китоб -  
“Авесто”, “Тўмарис”, “Широқ”, “Рустам” афсоналарида,  
Фарғоний, Туркий, Наршахий, Фаробий, Беруний, Ибн-Сино,  
Рудакий, Фирдавсийнинг “Шоҳнома достонларида халқ яратган  
ўлмас образлар борки, буларнинг бари, йиллар ўтиши билан  
ҳам ўз қадрини йўқотмаган. Айниқса, истилочиларга қарши  
олиб борилган кураш халқ оғзаки ижоди учун катта манбаи  
эди. Натижада, халқ мўгуллар ва турли урууглар ўртасида  
бўлган урушларни акс эттирган эртаклар, қўшиқлар ва  
достонлар яратганлар.

Бу ҳақда олим Н. М. Маллаев шундай ёзади: «Асрлар ўтиши  
билан кўпгина халқ асарларининг айримларигина бизгача етиб  
келди. Ёки катта ҳажмдаги бошқа асарларнинг таркибий  
қисмига айланиб кетди». (Н. М. Маллаев, “Ўзбек адабиёти  
тариҳи”, Тошкент - 1972йил). Бироқ, бу маданият ва адабиёт,  
санъат асарлари тариҳи, тараққиёт босқичлари моҳиятига қараб  
баҳоланди. Фарғона водийсида эса фан, маданият, санъат  
бошқа ҳудудларга қараганда тез ривожланди. Дехқончилик  
ҳамда куолчилик ва устачилик билан шугулланган ўтроқ халқ,

оғзаки ижодини ҳам ривожлантириди. Бунинг боиси ҳам бор эди. Зеро, Фаргона водийси эрамиздан аввалги 128 йилдаёқ Хитой ва Марказий Осиё ўртасидаги савдо йўли эди. Иккинчидан, бу ерда дехқончилик, боғдорчилик жуда ҳам ривожланган воҳа эди. Катта олим Қори Ниёзийнинг “Ўзбек халқининг маданий мероси” (Т. Н. Қори Ниёзий, “О культурном наследии узбекского народа”, “Фан”, Ташкент - 1960 год) рисоласида шундай ёзди: “Оживление торговых и политических отношений Средней Азии Китаем началось задолго до нашей эры, по свидетельству китайских хроников, китайская миссия во главе с Чжан Цяном еще 128 году до нашей эры посетили Фергану Согдиану, Бактрию. Описывая Фергану Чжан Цян сообщил китайскому императору о том, что “Даванцэй” ведут оседлую жизнь, занимаются земледелием, сеют рис, и пишеницу. Есть у них виноградное вино. Есть города. В Даване находится 70 больших и малых городов”.

Бу фактлар ҳам водий ахли ҳалқ оғзаки ижоди билан мунтазам шуғулланган дейишга асосимиз бор. Тўгри, ўзбек фольклорини ўрганиш XIX-асрда ривожланган. Бу олимларнинг кўплари рус сайёхлари, шарқшунос ва ўлкашунос олимлар бўлган. Чунончи, рус ориенталисти шарқшунос А. Л. Кун Самарқандлик Абдураҳмон Мустажировдан “Гўрўғли” туркумига кирган айрим достонлардан парчалар ёзиб олган.

1870 йилда Қозонда “Ҳикояти Гўрўғли сulton” номи билан китоб босилган. Унда яна бир рус олими Е.Ф. Каль Термиз яқинидаги Солиҳбод қишлоғидан, ўзбекнинг Кўнғирот уруғига қарашли Омон Назардан достон тинглагани, бу достон уч соат мобайннида давом этганлигини ёзиб қолдирган. Бу маълумотларни синчковлик билан ўрганган ўзбек фольклористи Ходи Тиллаевич Зарипов, Е.Ф. Каль тинглаган достон “Алпомиш” достони эканини аниқлаган. XIX-асрнинг сўнгти чорагидан бошлаб “Ошиқ Ғаріб”, “Санобар”, “Бўз йигит”, “Сайдхон”, “Гулфароҳ”, “Бўз ўғлон” каби достонларнинг нашрлари пайдо бўлди.

Бу олим ва алломалар хизмати эвазига 1925,30 йиллар ичida ўндан ортиқ ҳалқ достончиларидан мингдан ортиқ эртак, ҳалқ қўшиқлари, дорбозлар, қизиқчилар ҳақида рисола ва маҳсус китоблар эълон қилинди. Фозил шоир, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан, Абдулла Нурали ўғли, Усмон баҳши Маматқул ўғли, Чўт баҳши, Жумабой баҳши, Ҳусан Ражаб ўғли каби

бахшилар номи, уларнинг ижоди ҳақида маълумотлар пайдо бўлди. Бу фақат гарбдагина эмас, рус олимлари томонидан ҳам ўзбек халқининг эпослари сақланиб қолмаган, деган даъволарини чиппакка чиқарди. Албатта, дарс жараёнида ўқувчилар мана шу маълумотлар билан қисқа таниширилиши шарт. Шу билан бирга уларнинг қайси достончилик мактабларига мансублиги, улардан ёзиб олинган барча халқ оғзаки ижоди материаллари ҳақида маълумот бермоқ жоиздир.

Шунингдек, водийда халқ китобатига айланган ва шу достонлар асосида яратилган асарлар Фаргона водийсида кенг тарқалганлигини ҳам исботлайди. Халқ оғзаки ижодини ўрганиш ва бу асарлар асосида мукаммал достонлар, ёзма ҳикоят ва ривоятлар ёзиш ҳам кўзга ташланган. Бироқ, ўша давр тақозоси билан айтганда бу достонларни ёзиб олиш, элга китоб қилиб тарқатиш ишлари юқори погонага кўтарилимаган. Таъриф этилишича, биргина Кўлбуқон қишлоғида (ҳозирги Янгиқўргон ҳудуди) 40 дан ортиқ халқ достончилари етишиб чиққанлиги ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек, Наманган вилоятининг Пешқўргон, Учқўргон, Фаргона вилоятининг Қумариқ туманларида, Андижон вилоятининг Балиқчи туманида достончилик ривожланган.

Ўзбек фольклористкасида машхур бўлган Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё достончилиги каби водий достончиғи-ю, халқ оғзаки ижодининг бошка турлари, айниқса, қўшиқчилик жуда ривожланган. Бироқ, тараққиётнинг тезлашуви, техника воситаларининг кириб келиши, кўп ҳолларда халқ оғзаки ижодини орқага суриб юборган. Шунга қарамай, достончилар ўз репертуарларини бойитиб бордилар, айрим достонларни мукаммаллаштириш борасида ҳам катта ишлар қилдилар. Натижада достонларнинг тили, гояси, ундаги айтиш техникаси, назм ва насрый жумлаларнинг бетакрорлигини таъминладилар.

Ёркўргон рус-тузем мактабининг ўқитувчиси Васильев Наманган уездининг Ёркўргон қишлоғида яшовчи Исмоил Бурайимовдан “Хуснiddин полвон” эртагини, Бешкапа қишлоғида яшовчи Ортиқбой Саримсоқовдан “Шахзода Назар Муҳаммад ва Малика Назарбиби” эртакларини ёзиб олиб, матбуотда эълон қилди. (“Хуснiddин полвон” эртагини эса тузем мактаби ўқитувчиси А. Василий томонидан Исмоил Бурайимовдан ёзиб олинди ва биринчи марта газета ва журнallарда чоп этилиши эди.

Водийди айниқса, қүшик, масхарабозлик, асқия каби халқ ижоди жуда ривожланган. Албатта, бұ соҳага ҳам рус олимлари катта эътибор билан қарашди ва жуда кўп холларда ёзиб олиш ва тадқиқ этиш борасида катта ишлар қилишди. Халқ томонидан яратилган халқ театри материаллари ва сажнавий асарлари биргина водий аҳолисига эмас, Афғанистан, Қашқар, Кавказ, ҳатто Россиягача етиб борди. Бу борада илмий кузатишлар олиб борган Мухсин Қодиров, “Бу даврда масхарабоз ва қизиқчиларнинг фаолият майдони кенгайиб борди ва уларнинг таланти элга манзур бўлди”, деб ёзган эди.

Муллабой Мансуров трупласида Юсуфжон қизиқ, Карим Зарипов, Ортиқ қизиқ, Собир қори каби атоқли комиқлар борлиги ҳақида ҳам ёзиб қолдирганлар. Уларнинг “Килич тушди”, “Мамаюсуф”, “Бола ўқитиш”, “Сурат кўрсатиш”, “Хитой табиби”, “Сартарошлиқ” каби томошалари ўша давр кишиларинингина эмас, чет эл томошабинларини ҳам хушнуд қилган. Бу ҳам водийда халқ оғзаки ижодининг бир тури бўлган халқ санъатининг юксакликка кўтарилиганидан далолат эди.

1955 йилда олимлардан Буюк Каримов, Мансур Афзалов, Фатхулла Абдуллаевлар водийга ташриф буюришиб, Б.Канонов Наманган област Чуст туман, Қорасоч қишлоғида яшовчи Маллабой Хошимовдан “Рустамхон” достонини, олим Мансур Афзалов “Бўтакўз”, “Шоҳдорхон”, “Юлдуз билан Қундуз” каби достонларни ёзиб олдилар ва нашр эттирилар. Айниқса, Ҳамза бутун умрини халқ оғзаки ижоди материалларини ёзиб олиш ва халққа етказиш ишига баҳшида қилди. Машхур олим Т.Н.Қори Ниёзий ўз эсадаликларида “Ҳамзанинг энг олижаноб хусусиятларидан бири у кўп вақт омма орасида юради, халқ ҳаётини ўрганарди, шу билан бирга адабиёт ва ижтимоий-сиёсий масалаларда сұхбатлар уюштиради. У доимо маҳсус дафттар ташкил қилиб, бу дафттарларга халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб бораради”, деб ёзган эди. Натижада шоирнинг барча асарларида халқ оғзаки ижоди намуналари кўзга ташланади. Унинг “Қизил гул”, “Оқгул”, “Сафкар гул”, “Пушти гул” тўпламлари чоп этилади.

1. Саратовская сказка рассказана учителем Янгикурганской русской-туземной школы Наманганского уёдда Исмоила Буроғимовым.

Записка учителя А. Васильева Наманганский уезд Уйчинского района.

Бу асарларнинг бари халқ оғзаки ижоди асосида ёзилганлиги кўзга ташланади. “Қизил гул” тўпламига киритилган “Софиниб” шеъри бевосита халқ қўшиқлари оҳангидан асосида яратилганлиги ҳам буни исботлайди.

Қора сочим ўсиб қошимга тушди ёр-ёр,  
Бу савдолар менинг бошимга тушди ёр-ёр.  
Бориб айтинг, мени кимки сўраса ёр-ёр,  
Жудоликнинг заҳри ошимга тушди ёр-ёр.

Ҳамзанинг жуда кўп асарларида эртаклар афсоналар, латифалар, оғзаки драмма анъаналари, мақол ва маталлар кўлланилган. Шоир “Тўғри сўз бола”, “Тошбақа билан чаён”, “Қиморнинг боши”, “Боланинг ёмон бўлмогига сабаб, онанинг жазоси” каби асарлари, шунингдек, “Майсаранинг иши”, “Параюки сирлари”, “Яллачилар иши” каби драмаларида ҳам бевосита халқ оғзаки ижоди асосига қурилганлиги билан барчага эъзозлидир.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди материалларини ёзиб олиш 1930 йилдан бошланиб, унга биринчи ўзбек олимни Ходи Зариф томонидан асос солинди. У водий халқ оғзаки ижодини ўрганиш, уни ёзиб олиш, архивлаштириш, тадқиқ этиш ишларига ҳам бош-қош бўлди. 1940-60 йилларда эса Фаргона халқ оғзаки ижодига янада қизиқиш ортди. Шу йиллардан бошлаб Алишер Навоий номли тил ва адабиёт институтининг бир гурӯҳ олимлари водий бўйлаб экспедицияга чиқдилар. Улардан сўнг Алишер Навоий номли Адабиёт музейи, Ҳамза номли Санъатшунослик институти, Ленинград, Москва каби катта шаҳарлардан ташриф буюрган олимлар томонидан ўрганила бошланди.

М.Афзалов, М.Муродов, Т.Фозибоев, З.Хусайнова, М.Сайдов, Б.Саримсоқов, К.Имомов, С.Асқаров, Т.Боровкова, Сайдбек Ҳасан Р. Фозибоев, Ҳ.Разззоқов, М.Муродов, М.Маъмурев, Робиддин Исҳақ, Оташ Ҳолмирзаев каби олимлар Ҳайдар Бойча ўғли, Декон шоир Қорабой ўғли, Абдумўмин баҳши, Абдуазиз баҳши, Абдураззоқ баҳши, Имомали Эшмат ўғли, Алим шоир Ниёз ўғли, Дуғумбой баҳши, Имомназар Исроил ўғли, Иброҳим шоир Отабоев, Эгамберди баҳши Олим ўғли, Мирзабулла шоир Мирза ўғли, Омон баҳши Раззоқ ўғли, Мамасодик шоир Раззоқ ўғли, Ҳусанбой Абдураззоқ ўғли каби юзга яқин достончиларни фанга маълум қилдилар.

Наманган, Андижон ва Фаргона вилояти ва туман газеталарида жуда кўп мақолалар чоп этилди. Ўша йиллари

Раззоқ бахши Қозоқбай ўғли, Ҳайдар санновчи Бойча ўғли, Имомали Эшмат ўғли, Ҳусан Ражаб ўғли, Мулла Абдумалик бахши, Алим шоир Ниёз ўғли каби достончилардан “Гўрўғли” туркум достонлари ва “Алпомиш” достонининг йигирмадан ортиқ варианлари ёзib олинди.

Бу материаллар билан ўкувчилар танишиб олгач, ўрта мактаб дарслекларида берилган халқ оғзаки ижоди материаллари билан таништирув бошланади. Унда ўқитувчи ва ўкувчи халқ оғзаки ижоди материалларининг яратилиши, отадан болага ўтиш жараёнлари, айтuvчилар, уларнинг салоҳияти ҳақида маълумотлар ҳам берилади ва дарсга пухта тайёргарлик кўринади.

## ДАРСГА ТАЙЁРГАРЛИК

Аслида дарсга тайёргарлик нима? Ана шу савол асосида режа тузилади. Зеро, дарсга пухта тайёргарлик кўрилмаса ўқитувчи тўплаган бой материалларни ҳам ўкувчига етказа олмайди. Шу боис ҳам бошлангич синфдан тортиб, то юқори синфгacha ўтиладиган дарсга тайёргарлик кўриш лозим.

Бунда биринчидан, ҳар бир кабинетда халқ оғзаки ижодига оид кўргазмалар, ижодкорлар ва олимларнинг портретлари, халқ оғзаки ижоди жанрлари бўйича чоп этилган асарлар намуналари, айниқса, ўкувчилар кучи билан ёзив олинган асарлар, ҳар бир қишлоқ ва шаҳар ҳудудида яшовчи халқ оғзаки ижоди билағонларининг суратлари ва улар ҳақида қилинган альбомлар, видео ва радио тасмаларига ёзилган материаллар кўйилмоғи керак.

Айниқса, дарсни ўтиш ва ундан олдин ҳам халқ оғзаки ижоди ҳақида тўлароқ маълумотга эга бўлиш учун адабиёт ўқитувчиси болаларни халқ қўшиқлари, мақол ва маталлар, болалар фольклорини ёзив олиш ишига жалб қилмоғи керак.

Бу борада биз ҳам жуда катта тўпловчилик ишларини амалга оширдик. Фаргона водийси бўйича жуда кўл халқ бахшилари, эртакчи ва қўшиқчилари репертуарини ўрганиб чиқдик ва бу иш давомийлигини ҳам таъминладик. Тўплаган барча материалларимизни тартибги солиб, архивларга топшириш ишларини ҳам амалга оширдик. Тўплаган материалларимиздан айримларини, айниқса, қўшиқлардан бир, иккита намуна сифатида кўргазмалар ҳам тайёрладик.

Жумладан, Пешкүрғонлик Саврибу Соңсизбоевадан ёзиб олинган “Қишлоғим” шеъри намуна сифатида күргазма қилинди.  
Унда шундай жумлалар бор:

Богим бору bogim бор,  
Богимда анорим борр.  
Яшнаб кетди қишлоғим,  
Меңнатсевар халқым бор.  
Хаводаги уч ўрдак,  
Учталаси ҳам бирдак.  
Озод, шундай замонда,  
Қишлоғим қызил гулдак.  
Ариқ бүйінда жийда,  
Жийданинг гули майда.  
Озод, гүзәл қишлоқни,  
Кұрасан ҳамма жойда.

Күшиқ шундай давом этади. Ҳүш, бу қүшиқнинг ижодкори ким? Албатта, халқ Уни күпчилик яратган. Ёки бир киши яратган бўлсада, кўпчилик унга сайқал берган. Кейинги ўн йилликлар даврида ўқувчи ва ўқитувчилар кучи билан қирққа яқин достон, мингга яқин мақол, минг мисрадан ортиқ халқ қўшиқлари ва жуда кўп топишмоқ, латифа, эртак, халқ қизиқчилиги материаллари тўпланди. Уларнинг кўплари миллий анъана даримизни исфодаловчи холатлар билан уйғунлашгандир. Олайлик “Ёр-ёр”лар. Улар келин-куёв тўйларида айтилади. Келинг, ўша ўқувчилар кучи билан тўпланган “Ёр-ёр”лардан бирини хукмингизга ҳавола қиласай.

Қиз сардори айланай,  
Келинчакдир ёр-ёр.  
Яхши келин уйида,  
Куюнчакдир ёр-ёр.  
Мақтамангиз келинчакни,  
Ошиб кетар ёр-ёр.  
Кўш мақтовдан келинчак,  
Тошиб кетар ёр-ёр.

Шундай давом этувчи бундай “Ёр-ёр”ларда аввало тингловчини яхшиликка ундаиди, инсониятни ахлоқ ва одобли бўлишга чакиради. Халқ оғзаки ижодида “Марсиялар” ҳам муҳим рол ўйнайди. Бу каби асарлар йиги-йўқлов сифатида кўйланади.

Қарғаларга қақитмаган отамей,  
Чумчукларга чўқитмаган отамей.  
Сув ўрнига асал берган отамей,  
Вой отамей, отамей,  
Жон отамей, отамей.  
Баланд тоғлар тоғи эдинг отамей,  
Махалламиз бори эдинг отамей.  
Халқимизнинг боғи эдинг отамей,  
Вой отамей, отамей,  
Жон отамей, отамей.

Ёки халқ мақолларини олайлик. Албатта, кўп йиллик тўпловчилик ҳаракати давомида жуда катта хажмдаги мақоллар тўпланди. Бу мақол ва маталларни кўплари янги. Биз мақоллар темасини ўтиш жараёнида ана шу мақолларни саралаш, тематик бўлиш билан бирга бу мақолларнинг илмий салоҳиятини, бугунги кун учун долзарблигини ҳам айтиб ўтишимиз зарур. Шу билан бирга ўқувчилар томонидан ёзиб келинган жуда кўп мақол дафтарлари номерланиб, ичидаги барча халқ оғзаки ижоди материаллари илмий ва замонавийлиги инобатга олинган ҳолда баҳолаб, адабиёт кабинети архивига олинди. Бу борада болаларни авваллари халқ орасида ишлаб келаётган мақоллар ва янги мақоллардаги фарқлар ҳам ўрганилмоғи ва ҳар бир мақолнинг тафсили-мазмуни ёзиб қўйилиши керак. Шунга ўргатиш керакки, ўқувчи ўқиётган ва айтаётган ҳар бир мақолнинг тўла мазмунини билмоғи керак.

Мисол учун, “Бола бошдан-ақл ўшдан” мақолининг янги вариантиларини излаб топиш керак. Жумладан, биз ёзиб олган мақоллар ичida “Болага берсанг панд, бола бўлар қанд”, “Бола тарбияси бешикдан, тарбия кўрган эшикдан”, “Ақлли боланинг кўзи-одобли сўзидан билинади” каби мақоллар ҳам яратилганини болалар онгига сингдириш, керак бўлса ёд олдириш, таълим-тарбияси ҳам жуда муҳимдир. Биз тўплаган мақолларнинг айримларини кўриб чиқайлик.

Ёмоннинг кўзи ола,  
Кўзимас сўзи ола.

Яхшига қўним йўқ,  
Ёмонга ўлим йўқ.

**Яхшидан яхши ҳаво,  
Ёмондан ёмон садо.**

**Сулув сулув эмас,  
Ақлли сулув.**

**Ақл билан иш қил,  
Эл күнглини ҳуш қил.**

**Билимга қаноат керак,  
Илмга қироат керак.**

Ўзбек халқ оғзаки ижодида ёшларимиз фольклори ҳам мавжуд. Жуда кўп болалар ўйнаётганда турли хил халқ мақоллари, ўйин эпизодларини куйлайдики, уларнинг ижодкорлигига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Келинг, болалар ўйлаб топган ўйинлардан бирини сизларга ҳавола этайлик.

**Аттим-баттим,  
Говмишим сотдим.  
Аст-паст,  
Говмишни сот,  
Сен чиқавер!  
-Осмонда ой,  
Одилжон бой.  
-Нима қиляпсан?  
-Олма қоқяпман.  
-Олмангдан бер.  
-Акам сўкади.  
-Аканг ўлмасин,  
Худо сақласин.  
-Қиличми, тўқмоқ?  
-Тўқмоқ.  
-Ундей бўлса,  
Мен сен билан  
Қирқ йил ўртоқ.**

Албатта, ўзбек халқ оғзаки ижодини ўрганиш учун тўплаш керак, ёки мавжудларини йигиш ва ўқувчиларга ўрганиш учун тавсия этиш зарур.

Езги таътил даврида Пешкүргон қишлоғида ташкил этилган “Иқтидор” тұғарғы ижодкорлари (шеър, ҳықоя ёзиш билан бирга фольклор асарларини ҳам ёзиб олиш) билан шуғулландылар. Умар Наманган вилоятининг Учкүргон, Норин, Поп, Пешкүргон қишлоқлари, Андижон вилоятининг Балиқчи, Фаргона вилоятининг Қумариқ қишлоғига сафарлар қилиб, ижодкорлардан жуда күп эртак, мақол ва матал, достон, халқ қүшиқлари ёзиб олдилар. Шуниси қизиқки, Қирғизистон Республикасига құшни бўлган Нанай, Заркент, Ҳазратишаҳ қишлоқларида ижод қилаётган халқ ижодкорларидан “Манас” достонининг ўзбекчалаштирилган вариантини ҳам ёзиб олинди. Шунингдек, қозоқ халқининг “Қизжибек” достонининг насрый матни, Раззоқ баҳшидан эса “Махтумқули” термалари ҳам ёзиб олинди. Келинг, ўша йили машхур достончи Раззоқ баҳши Қозоқбой ўғлидан ёзиб олинган “Гўрўғлиниң болалиги” достони юзасидан фикр юритайлик.

“...Жуда қадим замонда Чорток деган томонда Евмит деган эл яшар экан. Евмитнинг подшоси Одилхон экан. Кунларнинг бирида Евмит элига құшни бўлган Мари деган шаҳар беги Қовуштихон Одилхон подшонинг бор савдогарларини талаб кетиди. Шунда савдогарлар Одилхон подшога арзга келибдилар. Бу арзномани эшитган Одилхоннинг жаҳли чиқиб, Мариға ҳужум қилиб, бор-будларини талаб савдогарларга молк мулкларини қайтариб олиб берибди. Ҳатто, Қовуштихоннинг ўн уч ёшли ўғли Совуштихонни ҳам банди қилибди. Қовуштихоннинг яна бир ўғли Тўлибий бўлиб, у жуда синчли, от минса құшдек учадиган, қилич чопса душманининг кўзини юмиб топадиганлардан экан. У отларниң яхши, ёмонини бир қарашда билиб олар, эл-қавми уни жуда яхши кўрар экан. Буни кўрган Одилхон ўз қизи Бибиойшани унга никоҳлаб берибди.

Ой куни етиб Бибиойшанинг кўзи ёрибди. Унинг отини Равшанбек кўйишибди. Равшанбек бешикдаёқ ақули доно бўлиб етишибди. Улғайгач отаси уни ҳарбий санъат - курашга, от чопишга ўргатибди. Кейин уни камондан ўқ отиш, қиличбозлик хунарларини ҳам ўргатиш учун устоз ёллабди.

Энди гапни бошқи томондан эшитинг. Бу дунёда яна Такатуркман деган юрт бор эди. Бу юртнинг Жигалихон деган хукмдори ҳам бўлар эди. Бу хукмдорниң эса Гавжумбек ва Ҳилолой отли фарзандлари ҳам бор эди. Кунлардан бирида

Равшанбек ота-онасидан бесўроқ саёҳатга чиқибди. Шу куни Ҳилолой ҳам катта кўшк устига чиқиб, кўчага қараб ўлтирган эдик, кўзи ой деса ой, кун деса кун, бошига тож кийган, қўлига қиличу, елкасига камон осган Равшанбекка кўзи тушибди. Шунда Ҳилолой кўшқда ўлтириб, унга бир сўз айтиб турган ери бу турур.

Қизил гул очилди қанчадан-қанча,  
Тоқатим тоқ бўлур гул очилгунча.  
Қаерлардан келаяпсан хой йигит,  
Гапимга қулоқ сол, тўхтагин пича.

Шунда Равшанбек у ёқ, бу ёқка қараб, кўшк устида ўлтирган Ҳилолойга кўзи тушиб, унга бир сўз деб турган ери.

Қошинг кериб, қавоғингни уйдирма,  
Олтин пиёлангга майни тўлдирма.  
Дўстми, душманмисан асло билмадим,  
Қошларинг қаро экан, мени куйдирма.  
Йиглаганда ёш тўкилар юзима,  
Қиёмат бўлса гар, ёмон куни ўзима.  
Бир саёҳат айлаб келдим юртингга,  
Ишонабер мени айтган сўзима.

Достон шу тариқа бу икки ёшнинг бир-бирни севиб қолиши ва Ҳилолойнинг вафоти, гўрда эса Гўрўглининг туғилиши каби воқеалар баён этилади. Шундан сўнг, Гўрўглининг гўрдан чиқиши ва тогаси Рустамхон томонидан топиб олиниши ва бияни эмиб, катта қилиниши баён этилади. Албатта, бу асар матни ҳар бир бахшида бир хил тема, бир хил образлар бўлиш билан бирга анчагина ўзгаришлар, қўшимчалар, олиб ташланган сатрлар ҳам бор. Бу айниқса, Задарёлик Маҳмуд бахши Дугумбой ўғли, Поплик Матрайим бахши, Кўлбуқонлик Ҳайдар санновчи, пешкўронлик Омон шоир Раззоқ ўғли ижодида кўринади. Водий халқ достончиларининг “Алпомиш” ва “Гўрўгли” туркумига кирувчи бошқа достонларида ҳам озми-кўпми номлар, қаҳрамонлар номланишида ўзгаришлар борлигини кўрамиз.

Қисқаси, ана шу маълумотлар билан қуролланган ва синф хонасида кўргазмалар, қўлёзма достонлар, достончиларнинг суратлари ва ҳаёт бўлган достончи, кўшиқчиларни мактабга таклиф этилиб, “Адабиёт дарслигида берилган халқ оғзаки ижоди материалларини “Учрашув”, “Экскурсия”, “Мультимедия” каби усууллар билан дарс ўтиш мақсадига

мувофиқдир. Келинг, яхшиси дарсликларда берилган эртаклар, күшиқлар, мақоллар ва “Чамбил камали” достонини (бошқа достонни танласа ҳам бўлади) ўтиш методикаси ҳақида сўз юритайлик.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ўзбек халқ оғзаки ижоди жуда қадими. Шу асарлардан “Уч оға-ини ботирлар”, “Зангори гилам”, “Халқ мақоллари”, “Халқ эртаклари”, “Топишмоқлар”, “Халқ күшиқлари”, “Чамбил камали”, “Широқ”, “Тўмарис” кабилардан парчалар берилган. Шу куқтаи назардан қараганда 1-4, ва 5-9 синфлар, уч йиллик коллеж дарсликларида берилган материаллар бугунги кун талабига жавоб берадими, деган саволга жуда мукаммал эмас, дея жавоб бериш мумкин. Барча халқ оғзаки ижоди материаллари болалар ёши, дунёқарашига мослаштирилмаган. Шунингдек, берилаётган асарлар жанри тўгри тақсимланмаган, барча синфларда-ю, коллежларда оғзаки ижод нима, у нима вазифа бажаради, деган саволга жавоб йўқ. Ҳар бир дарсликда шу масалани тўлдириш учун ўзбек халқ оғзаки ижоди масалаларини тўлиқ акс эттирган илмий мақола, ёки обзор йўқ. Бошлангич синфларда берилиши лозим бўлган эртаклар асосан ахлоқ-одоб, мардлик, ватанпарварлик, дўстлик мавзусини, шу билан бирга болаларнинг ўз фольклори материаллари, бу борада илмий кузатишлар олиб борган олимларимизнинг меҳнати ҳам кўрсатилмаган. Болларбоп ўзбек фантастикаси ҳам эътибордан четда қолган. Шунингдек тез айтишлар, замонавий эртаклар ҳақида ҳам маълумотга эга эмасмиз.

Коллеж дарсликларида ҳам ўзбек халқ оғзаки ижоди нима, унинг неча тури бор, улардан энг сараси қайси асар, бу борада кимлар илмий ишлар қилган ва қандай масалаларни кўтарган каби саволларга ҳам жавоб йўқ. Парча берилган достон, унинг матни ва мазмуни ҳақида ҳам қисқача маълумот бериш лозимлигига қарамай, бунга ҳам эътибор қилинмаган. Биргина мақолларни олайлик. Мақоллар матни берилгану унинг келиб чиқиши, тарихи, кимлар томонидан яратилган, ёзиб олиш ва ўрганиш, ҳар бир мақолнинг тафсили ҳақида сўз йўқ. Шу билан бирга болаларга берилган савол-жавоблар жуда жўн.

Келинг, яхшиси адабиёт дарслигига бир вақтлар киритилган (Аслида дарсликка “Алпомиш” ёки “Гўрўғли” туркум достонларидан бериш лозим) “Чамбил қамали” достони ҳақида сўз юритайлик. Бу досонни ўтиш учун тўрт соат вақт берилган.

1. Биринчи соат. Ўзбек халқ достонлари ва “Чамбил қамали” достони ҳақида сұхбат.

2. Иккінчи соат. Достон парчасини ўқиши.

3. Учинчи соат. Достон мазмунини ўзлаштириш.

4. Түртінчи соат. Достон бүйіча сұхбатлар. Достон ҳақида хулоса, унинг таълим ва тарбиядаги ахамияти.

Бу дарсни ўтишда албатта, маҳаллий материаллардан фойдаланиш мақсадға мувофиқдір. Шу билан бирга халқ оғзаки ижоди материалларини ўтиш даврида синфда күйидаги ишларни бажариш ҳам керак. Бу энг аввало адабиёт кабинети, ёки бошланғич синф хонасида халқ оғзаки ижоди бурчаги ташкил этиш керак. Бурчакка қуйидаги күргазмалар қўйиш лозим.

1. Ўзбек халқ оғзаки ижоди бүйіча чоп этилган китоблар, олимлармизнинг илмий изланишлари (шкафларга терилса ҳам бўлади).

2. Достончи, қўшиқчи, эртакчиларнинг портретлари ва улар ҳақида тайёрланган буклетлар, альбомлар (шу ерда фольклоршунос олимларнинг портретлари ва улар ёзган китоблар ҳам қўйилиши керак).

3. Маҳаллий бахши, қўшиқчи аёллар ҳақидаги материаллар, ёзib олинган асарларнинг қўллёзма ёки мошинка, ёки компьютер вариантлари.

4. Газета ва журналларда чоп этилган халқ оғзаки ижодига оид материаллар.

5. Деворий газеталар, рассомлар томонидан чизилган, халқ оғзаки ижодига оид расмлар, фотосуратлар.

6. Достончиларнинг сеторлари.

7. Магнит лентаси ёки видеога олинган достончи, қўшиқчи ва эртакчилар ҳаёти ва ижодига оид материаллар.

Тайёргарлик соати тұла амалға оширилгач, кабинетнинг эстетикаси, унинг ўқувчиларга берадиган озуқалари яна бир бор кўриб чиқлади, сўнг дарс бошланади.

**Биринчи соат.** Дарс юқорида тилга олинган ва безатилган кабинетда бошланади. Дарсга маҳаллий бахши, қўшиқчи ва эртакчилар ҳам таклиф этилади. Дарсни ўтиш учун кўйидаги кўргазма доска ёнига осиб қўйилади.

**Достон юзасидан саволлар**

- 1. Ёзма адабиёт ва оғзаки адабиёт ўртасида қандай фарқлар бор?**
- 2. Халқ оғзаки ижодида қандай жанрлар бор?**
- 3. Қандай достон, эртак, топишмоқларни биласиз?**
- 4. Маҳалла, қишлоғингиз, туманингизда қандай достончи, қўшиқчи ва эртакчилар бор?**
- 5. "Чамбил қамали" достони кимдан ва қачон ёзиб олинган? Бу достонни Фаргона водийси достончиларидан кимлар билади?**

Ўқитувчи дарсни халқ оғзаки ижоди ҳақидаги қисқача кириш сўзи билан бошлайди. Унда халқ оғзаки ижоди ҳам ёзма адабиётимиз сингари катта адабиёт эканлиги, унинг тараққиёт йўли, тарихи, ҳозирги даврда тутган ўрни айтиб ўтилади. Шу билан бирга дарсда жаҳон адабиётида машҳур бўлган "Алпомиш", "Гўрўғли", "Манас", "Қизжибек", "Махобхорат", "Йўлбарс терисини ёпинган қаҳрамон", "Игор жангномаси", "Одессия", "Иlliада" каби асарлар ва уларнинг халқнинг буок қадр-қиммати, мардлиги, ўз юрти-ватанига бўлган меҳр-оқибати ҳақида сўзлаб берилади. Ва охир оқибат дарсликда берилган "Чамбил қамали" достони ҳақида сўзланади. Маъруза даврида айрим тушуниш қишин бўлган сўзларни ёзиб бориш топшириги берилади. Кабинетда тайёрланган кўргазмаларга ҳам экспурсия қилинади. Узбек халқининг машҳур достончилари билан бирга маҳаллий достончилар ҳақида ҳам маълумотлар берилади. Шундан сўнг "Чамбил қамали" ҳақида маълумот берилади. Дарсни якунлаш билан бирга "Ёш фольклоршуноса эсадалик" дафтарининг биринчи бети очилиб, унга қўйидаги маълумотнома тўлдириб келиш топшириги берилади.

Дарсдан сўнг бу дафтарга достон, қўшиқ, эртак ва бошқа жанрлардаги асарлардан ёзиб келиш ва дафтарни ёзма иш сифатида топшириш айтилади. Шунингдек, мактаб кутубхонасида бўлган барча халқ оғзаки ижоди китобларини ҳам тўла ёзиб келиш топшириги берилади.

Иккичи ва учинчи соат. (Достон текстини ўқиш ва мазмунини таҳлил қилиш). Бу соатларда ҳам дарс аввал тайёрланган кабинетда қўйидаги кўргазмалар осиб қўйилади.

**Достончилар ҳақида маълумотлар дафтари  
(Ёзма иш сифатида, дарс охирида топширади)**

Т.н.	Халқ ижод Қорининг Исми ва Фамилияси	Туғилган йили	Миллати	У билган асарлар
------	---	------------------	---------	------------------

Дарсда аввал ўтилган дарс юзасидан берилган саволлар асосида сўралади, сўнг ёзиб келинган халқ оғзаки ижоди материаллари текширилиб, янги асарлар ёзиб келиш топшириги берилади. Шундан сўнг “Гўрўғли” туркум достонлари кўрсатилиб, ҳамюрт ижодкор Рассоқ баҳшидан ёзиб олинган “Чамбил қамали” достонининг магнит лентасидаги варианти эшистилади. Шундан сўнг синф ўқувчилари икки гуруҳга бўлиниб, биринчи гуруҳ наср қисмини, иккинчи гуруҳ ўқувчилари назм қисмини ўқиши ташкил этилади.

*Кўргазма №2*  
**Достондаги ижобий ва салбий образлар**

Тар №	Ижобий образлар	Салбий образлар
а)	Гўрўғли-Чамбил юрти султони Юнус пари - Гўрўглиниң хотини	Салбий образлар ў қ у в ч и л а р томонидан топилади
б)	Гулчехрахон - синглиси	
в)	Холҷувон - Гўрўглиниң янгаси	
г)	Хасан - Гўрўглиниң ўғли	
д)	Хасан чопсон -	
е)	Гўрўглиниң йигити	

Достон тексти бир сидра ўқиб бўлингач, ўқувчиларга кўргазма асосида тайёрланган саволлар ва ўқилган текст юзасидан ўқувчилар томонидан берилган саволлар асосида оғзаки сўралади.

## Достон юзасидан саволлар

Тар №	Саволларнинг қисқача мазмуни	Изоҳлар
1	Араблар подшоси ким, қаерга бостириб кирди?	
2	Гўрўғлига ким томонидан чопар юборилди?	
3	Юнус пари бошлиқ Чамбил аёллари арабларга қарши қандай курашди?	
4	Гўрўғли образи ва унинг энг яхши фазилатлари нималардан иборат?	
5	Достонда қандай муболага ва ўхшатишлар бор?	
6	Достон қиммати ва тарбиявий ахамияти нимадан иборат?	
7	Асарни қайси образлари сизга ёқди?	

**Дарснинг учинчи соатида** эса барча ўтилганлар сўраб бўлингач, қуйидаги саволлар асосида дарс бошланади.

Ўқитувчи:-“Чамбил қамали” достони қандай асар, бу асар кимдан ёзиб олинган?

-Ўқувчи:-“Чамбил қамали” достони “Темирхон подшо” достонининг бир бўлаги бўлиб, 1927 йилда машхур достончи Жомрод ўғли Пўлкандан ёзиб олинган.

Ўқитувчи:-Достонда қандай воқеалар тасвирланган?

Ўқувчи:-Араблар шоҳи Райхон араб ўзбек ва туркманларнинг мамлакати бўлган Чамбилга хужум қиласиди. Гўрўғли ва унинг кўшинлари, яъни қирқ йигити Чамбилда йўқ эди. Улар Темирхон подшо даргоҳига кетган эдилар. Гўрўғлининг хотини Юнус пари бошчилигидаи аёллар эркақлар кийимини кийиб, душманга қарши кураш бошлайдилар. Гўрўғли етиб келгунча Чамбилни мардларча ҳимоя қиласидилар.

Ўқитувчи:-Гўрўғлининг араб босқинчиларига хужум қиласиганлиги ҳақидаги хабарни ким етказади? (Китобдан топиб ўқиб беринг).

Үқувчи:

-Ассалому алайкум Чамбил подшоси,  
Қариндош бўлиб келдим така-туркмандан.  
Юртнинг бийи ўзингиз, магрур унда ҳурлар,  
Бола-чақаларни жунлилар хўрлар.  
Ўз кўзим билан кўриб, сиз томон келдим,  
Чувалашиб юрар, борки араблар.  
Ёвгарчилик бўлди бу Чамбил элинда,  
Бундан ортиқ зулм бормикан, қавмлар.

Ўқитувчи:-Гўрўғли нима деди?

Ўқувчи:-Гўрўғли Ҳасан чопсонни тезда Чамбилга етиб боришга ва қайтиб боргунга қадар уларга қақшатгич зарбалар беришни тайинлади.

Ўқитувчи:-Ҳасан чопсон Гўрўғлига нима деди?

Ўқувчи:

-Фам еманг сиз Гўрўғлибек,  
Ўзим додини бераман.  
Фойибдан қушдай учиб,  
Чамбилга етиб бораман.  
Арабларни тўс-тўпалон қиласман.

Достон шу тариқа давом этади. Ўқиб, таҳлил қилингач, дарс мустахкамланади ва ўқувчиларга қуидаги кўргазмада тайёрланган саволлар билан мурожаат қилинади.

## Достон бўйича саволлар

Тар №	Саволларнинг қисқача мазмуни	Изоҳ
1	“Чамбил қамали”га ўхшаш яна қандай достонларни биласиз?	
2	Раззоқ бахшининг “Чамбил қамали” достони билан биз ўқиган достон ўртасида қандай фарқлар бор?	
3	Ўзбек халқи ўз тарихида қандай душманларга қарши курашган? Бу достонда қайси босқинчиларга қарши кураш тасвирланган?	
4	Қандай халқ қаҳрамонлари достоннинг образи ҳисобланади?	

Бу ва шунга ўхшаш саволлар орқали дарс мустаҳкамланади. Бунда ўқувчилар қаҳрамонлик эпоси, асардаги Гўрўғли, Юнус пари, Ҳолжувон, Ҳасан чопсон каби мард ва жасоратли қаҳрамонлар образини яратиб, ички ва ташқи душманларга қарши олиб борилган кураш тасвирланади. Дарс охирида ўқитувчи достонда учровчи халқ мақоллари, иборалар, муболага ва ўхшатишлар ҳақида дафтарга ёзиб келиш топширигини беради. Шунингдек, биринчи соатда берилган халқ оғзаки ижоди материалларини ёзиб келиш топшириги қайтарилади.

**Тўртинчи соат.** Бу соатда ўқитувчи достонни таҳлил қиласди. Унинг темаси, достон ҳақидаги назарий маълумотлар берилади. Бу дарсни ҳам кабинетда ўтилади. Унга таклиф

Этилган маҳаллий бахши Рассоқ бахши Қозоқбай ўғлидан достончиликдаги устози ва улардан достонларни қай тарзда ўрганганлиги савол қилиб берилади. Достончи ўз ҳаёти ва ижоди ҳақида, сүнг «Кунларим» достонидан парчалар ўқыйди. Шу соат учун тайёрланган күргазма осилиб. Бу күргазма ва ундаги образлар тұлалигича анализ қилинади.

### *Күргазма №5*

#### **Достон образларига қисқача тарифлар**


Тар №	Достоннинг ижобий образлари	Образларга қисқача таърифлар
1	Гүрўғли образи -	Гүрўғли ўзбек халқининг қирк достонидаги асосий образ. У халқнинг мард ўғлони
2	Юнус пари-	Гүрўглиниң хотини, тадбиркор ва мард аёл
3	Холжувон образи-	Холжувон ўз ватанини севувчи аёл. Унинг бу фазилати Райхон араб Чамбилга бостириб келганды айниқса, күзга ташланади
4	Гулчехра образи-	Гулчехра ғайрат қилиб, Тұхмон араб томон борди ва найза санчади.

1. Халқ оғзаки ижоди ҳақида нималарни биласиз?
2. “Чамбил қамали” достони қайси достонлар туркумига киради?
- 3.Достончи бахшилардан кимларни биласиз ва уларнинг қайси асарларини ўқигансиз?
- 4.Пешкўргон қишлоғида достончилар борми, бўлса улар қайси достончилик мактабининг вакили саналади?
- 5.Газета ва журнallарда қайси бахши ҳақида мақолалар ва уларнинг асарлари чоп этилган?
6. “Гўрўғли” туркум достонлари номларини сананг.
- 7.Бахши, жиров, ирчи, санновчи, шоир, достончи сўzlари маъноларини изоҳланг.
- 8.Ҳамқишлоқ бахшилар ҳақида нималарни биласиз?

Бу икки кўргазма юзасидан савол-жавоб соати ўтказилади ва шу орқали дарс мутаҳкамланади. Дарс тугашига беш минут қолганида эса биринчи соатда тарқатилган дафтар йигиб олинади. Бу дафтардаги барча материаллар ёзма иш сифатида текширилиб, баҳоланади. Дафтарлар номерланиб, адабиёт кабинети архивига олинади.

Хулоса қилиб айтганда, дарслар шу тариқа ўтилганда биринчидан ўқувчиларнинг халқ оғзаки ижоди материалларини ўзлаштириш 90 фоизга етади. Уларнинг ахлоқ ва одобида ҳам озми-кўпми ўзгаришлар кузатилди.

КҮЛБУЛОҚ ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ. НАМАНГАН. ӘРБІРДАСТАНА, ЧОРТОҚ РАЙОНДА НАЛИХОН КИШЛОҚ КЕНГАШЫ



**А. Навоий номли адабиёт музейи архивида сақланаётган достонлар**

№	Асар номи	Айтуви ислим ва фамилияси	Манзилори	Эзиб олуучи	Эзиб олинган йил	Инв.
1	«Шохадорхор»	Усмон Маматкул ўғли	Наманган-Уч күрөн	М. Афзалов	1937	104
2	«Юлдуз билан Кундуз»	Усмон шоир	Учкүртөн район	М. Афзалов	1937	105
3	«Бўғакъу»	Усмон шоир	Наманган облы	С. Раҳимов	1936	816
4	«Авазхон»	Хайдар Бойчи ўғли	Янгиюргон район	П. Ҳайядов	1950	1118
5	«Замонбеков»	Хайдар ҳодир	Янгиюргон район	Т. Гозибов	1950	11116
6	«Гурӯпининг туриш»	Хайдар шоир	Янгиюргон район	Ф. Абдуллаев	1954	1173
7	«Авазхоннинг аразаси»					
8	«Авазхон»	Очил Дурунбоев	Наманган облы	М. Муродов	1959	
9	«Замонбекининг түни»	Раззок бахши	Янгиюргон район	Наманган облы	М. Муродов	1964
10	«Ава ва Юлдуз»	Раззок бахши	Чорток район	М. Муродов	1984	
11	«Гурӯпинеко»	Раззок бахши	Наманган области Норидж	М. Муродов	1984	
12	«Юлдуз ва Кундуз»	Хусан шоир	Наманган области Норидж	М. Муродов	1985	
13	«Гурӯлиз»	Хусан шоир	Наманган области Норидж	М. Муродов	1985	
14	«Авазхон»	Хусан шоир	Наманган области Норидж	М. Муродов	1985	
15	«Гурӯпининг тутиши»	Хайдар Ғалича ўғли	Наманган облы, Янгиҷон р-н	М. Муродов	1986	
16	«Кундуз ва Юлдуз»	Раззок бахши	Наманган облы	М. Муродов	1987	
17	«Ленин-бобоён»	Раззок бахши	Чорток район	М. Муродов	1987	256
18	«Дененм-бобоён»	Раззок бахши	Чорток район	Н. Сабуров	1987	384
19	«Хайдар фирмаси»	Раззок бахши	Чорток район	О. Холмироваев	1987	258
20	«Этишаш комсомол»	Раззок бахши	Чорток район	О. Холмироваев	1987	258
21	«Кунгарим»	Раззок бахши	Нам облы, Чорток р-н	М. Муродов	1987	
22	«Алломиши»	Сомон Раззоков	Чорток район	М. Муродов	1987	259
23	«Алломиши»	Ахмад Девонаев	Фарғона облы	И. Бекмуродов	1976	6783
24	«Алломиши»	Ахмад Девонаев	Буваёш-район	О. Ҳолмироваев	1975	8381
25	«Алломиши»	Назира Кўзибоеva	Фарғона облы	И. Бекмуродов	1976	3998

26	«Алтимыш	Ойимсулув Канавея	Нам. Область чишлоги	Й. Бекмуродов	1976	6325
27	«Юнф ва Ахмад»	Омон Разаков	Чорток район	О. Холмираев	1974	226
28	«Юнф ва Ахмад»	Раззок бахши	Чорток район	О. Холмираев	1974	974
29	«Гургли»	Раззок бахши	Чорток район	О. Холмираев	1975	263
30	«Улуттининг турлишина Омён	Омон Раззаев Чорток район		О. Холмираев		
31	«Гурглининг бўнчаро	Имом Насридинов	Нам обл. Чорток райони	М. Нурадов	1975	1085
32	«Гурглининг тутилини»	Омон Раззаков	Чорток райони	О. Холмираев	1972	945
33	«Райхон Араб»	Раззок бахши	Чорток райони	О. Холмираев	1974	227
34	«Фарҳоннинг олиб келиниши 2»	Хайдар Сойин утуш	Нам обл. о.д.т	О. Холмираев	1968	3956
35	«Авазхоннинг олиб келиниши»	Махмуд Дотушибов	Янгиургон район	Шоир Узи	1964	268
36	«Авазхоннинг олиб келиниши 2»	Мадрайим бахши	Нам обл. Гоп район	Й. Бекмуродов	1970	7783
37	«Шоҳдархон»	Абдувализ	Нам обл. Чорток р-н	О. Холмираев	1959	958
38	«Шоҳдархон»	Абдувализ	Нам обл. Чорток р-н	О. Холмираев	1957	261
39	«Авазнинг арзин»	Раззок бахши	Чорток район	О. Холмираев	1959	9349
40	«Авазнинг арзин»	Матрайим бахши	Нам обл. Поп р-н	И. Бекмуродов	1970	7780
41	«Далғи»	Курбон Эсонбев	Фарғона обл.	Й. Бекмуродов	1970	7780
42	«Авазнинг олиб келиниши», Кўзибовва	Назира бува	Ўзбекистон тумани	Й. Бекмуродов	1970	6307
43	«Авазнинг арзин»	Раззок бахши	Фар обл. Ленинград район	О. Холмираев	1957	261
44	«Авазхон»	Матрайим бахши	Чорток район	И. Бекмуродов	1971	
45	«Далғи»	Курбон Эсонбев	Фар обл. Ўзбекистон райони	Й. Бекмуродов	1974	7784
46	«Авазнинг олиб келиниши», Фар обл. Ленинград район			Й. Бекмуродов	1976	275
47	«Олдуз билан Кўндуз»	Раззок бахши	Чорток райони	О. Холмираев	1973	275
48	«Олдуз билан Кўндуз»	Раззок бахши	Чорток райони	О. Холмираев	1972	948
49	«Олдуз билан Кўндуз»	Омон Разаков	Чорток райони	О. Холмираев	1976	952
50	«Олдуз билан Кўндуз»	Омон Разаков	Нам. Облыс Чорток райони	О. Холмираев	1972	944

51	«Аваа ўглон ва Гулларис»	Раззок бахши Сирли бой тангириов	Нам. области Поп райони	А. турсункулов	1976	1022
52	«Кундуз ва Юлдуз	Раззок бахши	Чорток райони	О. Холмирова	1976	9350
53	«Кундуз париз»	С. Тангириев	Хайдар борчча ўтми	И. Бекмуродов	1976	5615
54	«Аважонказ»	Абдузалим шонир	Наманган области	О. Холмирова	1976	276
55	«Булгаркүз»	Омон Разаков	Наманган областини	О. Холмирова	1976	951
56	«Замонбеккинг түйи»	Омон Разаков	Чорток райони	О. Холмирова	1973	946
57	«Замонбеккинг түйи»	Абдузалим бахши	Чорток райони	О. Холмирова	1972	6629
58	«Айсанам»	Пилгил Убайдуллаевва	Наманган областини	О. Холмирова	1978	6629
60	«Равшана»	Раззок бахши	Чорток район	И. Бекмуродов	1978	228
61	«Тұлаб Ботир»	Мамасадық раззаков	Наманган области	О. Холмирова	1987	264
62	«Тұлаб Ботир»	Рахимназэр Абдуназаров	Пешкүрғон кишогы	О. Холмирова	1975	5686
63	«Төхір ва Зура»	Тожибай Мухаммадиев	Нам. области, Поп райони	И. Бекмуродов		
64	«Төхір ва Зура»	Т. Мухаммадиев	Фарғона областини	И. Бекмуродов		6390
65	«Төхір ва Зура»	С. Мамаризиева	Узбекистон райони	И. Бекмуродов		7201
66	«Төхір ва Зура»	Раззок бахши	Фарғона областини Узбекистон райони	И. Бекмуродов		211
67	«Эзи биллан зебо»	Раззок бахши	Чорток райони	О. Холмирова	1975	262
68	«Эзи биллан зебо»	Раззок бахши	Чорток район	О. Холмирова	1976	9351
69	«Эзи биллан зебо»	Раззок бахши	Раззок бахши	О. Холмирова	1972	945
70	«Эзи биллан зебо»	Робия Холдарова	Фарғона областини Узбекистон райони	О. Холмирова	1975	945
71	«Зебохон»	Рахмон Ахмедов	Фарғона областини Узбекистон райони	И. Бекмуродов		950
72	«Ширин биллан Шакарғы	Ахмад Дебонаев	Фарғона областини Узбекистон райони	И. Бекмуродов		5750
74	«Қиззібек»	Усмон Рустамов	Поп райони	И. Бекмуродов	1976	1339
75	«Тұлған Мирза»	Ахмад Девонаев	Фарғона областини Баяндарайни	И. Бекмуродов	1970	1334
76	«Рұстам»	Матыйим бахши	Фарғона областини Баяндарайни	И. Бекмуродов	19	7781
77	«Санобар»	Ахмад Ылұшашев	Фарғона областини Узбекистон райони	И. Бекмуродов		6879

**ШАХСИЙ АРХИВДАГИ ДОСТОНЛАР**

№	Асар номи	Айтучи	Манзилгоҳи	Ёзib олувчи	Ёзib олинган йил
1	«Гүрӯглини болалиги»	Раззоқ бахши	Чорток р-н	О. Холмирзаев	1974
2	«Шоҳдархон»	Исимон Мазаҳодов	Нам обль.	О. Холмирзаев	1968
3	«Тулааб ботир»	Исимон бахши	Ан обль. Балиқчи р	О.Холмирзаев	1964
4	«Бўғакўз»	Усмон шоир		О. Холмирзаев	1959
5	«Манас»	Раззоқ бахши		О. Холмирзаев	1972
6	«Махтумқули»	Раззоқ бахши		О. Холмирзаев	1978
7	«Чамбийл достони»	Алим шоир		О. Холмирзаев	1974
8	«Миссқол пари»	Абуазиз бахши	Нам обль.	О. Холмирзаев	1974
9	«Гулнор пари»	Раззоқ бахши		О. Холмирзаев	1978
10	«Юнус пари»	Раззоқ бахши		О. Холмирзаев	1980
11	«Рустам»	Матрайим бахши		О. Холмирзаев	1976
12	«Муродхон»	Раззоқ бахши		О. Холмирзаев	1978
13	«Ортим ҳақида достон»	Раззоқ бахши		О. Холмирзаев	1980
14	«Кунларим»	Раззоқ бахши		О. Холмирзаев	1976
15	«Гүрӯглининг ўлими»	Раззоқ бахши	Нам обль.	О. Холмирзаев	1980
16	«Нуралихон»	Умарёзи	Чорток р.н	О. Холмирзаев	1962
17	«Ёзи билан Зебо»	А. Кучимов	Янгиўргон р.н	О. Холмирзаев	1974

## **МУНДАРИЖА**

Наманган халқ достончилари	6
Адібнинг·уч куни	31
Үнгор лочинлари	45
Оромсиз кунлар құшиғи	54
Үрта мактабда халқ оғзаки ижоди	62

# **АДАБИЙ-ИЛМИЙ НАШР**

**Оташ ХОЛМИРЗАЕВ**

## **АДИБНИНГ УЧ КУНИ Илмий - методик ва ёдномалар**

**Мухаррир:** Озод Топил

**Мусаввир:** И. Жумабоев

**Мусаххилар:** Ш. Холмирзаева, С. Фофурова

**Техник мухаррир:** Ҳ. Иномов

**Компьютерчи:** М. Насриддинова

10.05.2010 йил теришга берилди. 02.06. 2010 йилда босишга рухсат этилди. Бичими 60x80 1!16 Ҳажми 4 босма табоқ. Оққоғозга оғсет усулида босилди. Адади 500 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

**Нашриёт манзили: «Наманган» Наманган шаҳри,  
А. Навоий кўчаси, 36-уй.**

**Босмахона манзили: Наманган шаҳри,  
Дўстлик кўчаси, 2-»А»-уй.**



Хаёт мўъжиза, инсон  
қадри муқаддасdir!

